

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

«Банк – молия хизматлари» факультети

«Банк ва жамғарма ишлари» кафедраси

«Ҳимояга тавсия этилди»

Кафедра мудири

_____ доц. Ниёзов З.Д.

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: «Ўзбекистон республикасида банк фаолиятини ташкил
этишнинг ҳуқуқий асослари»
(УР ТИФ Миллий банк Самарқанд вилояти)

Бажарди_БИ-207___гuruh талабаси_ **Хурсанова Мунисхон**
Илмий раҳбар проф. **Рашидов Ў.Р.**

Самарқанд - 2011 йил

Ҳимоя вақти «28 » 06 июн_ 2011 йил

ДАК баҳоси _____

ДАК қарори _____

ДАК раиси _____

ДАК аъзолари

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____
5. _____
6. _____

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

«Банк ва жамғарма ишлари» кафедраси

«Тасдиқлайман»

Кафедра муdiri

доц. Ниёзов З.Д.

«___» _____ 2011й.

Битирув малакавий иши бўйича Банк-молия
хизматлари факультетининг
Банк иши йўналиши 4 курс
Талабаси Хурсанова Мунисхон

Топширик

1. Битирув малакавий ишнинг мавзуси
Ўзбекистон республикасида банк фаолиятини ташкил этишнинг ҳукукий асослари
2. Институт ректори буйруғи билан битирув малакавий иш мавзусининг тасдиқланган санаси ва рақами _____
3. Битирув малакавий иш бўйича бирламчи маълумотлар

4. Битирув малакавий иш режаси ва бажариш муддатлари:

Тартиб рақами	Битирув малакавий иш бўлимлари	Бажарилиш муддатлари
I-Боб	Банкларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш боскичлари	январ
II-Боб	Ўзбекистонда банк фаолиятини ташкил этишнинг ҳукукий асослари	феврал
III-Боб	УР ТИФ Миллийбанк фаолиятини ривожлантириш	март
IV-Боб	Хаёт фаолияти хафсизлиги	апрел

Топширик берилган сана _____

Битирув малакавий ишни топшириш муддати _____

Битирув малакавий иш раҳбари _____

Топшириқни олдим _____

Мавзу: Ўзбекистон республикасида банк фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари (УР ТИФ Миллий банк Самарканд вилояти)

Кириш

I-Боб. Банкларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари

1.1. Илк банкларнинг пайдо булиши

1.2. Собик Иттифок даврида амалда булган банк- кредит тизими

1.3. Мустақил Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг ривожланиш босқичлари

II-Боб. Ўзбекистонда банк фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари

2.1. Банкларни рўйхатга олиш ва уларнинг фаолиятини лицензиялашнинг ҳуқуқий асослари .

2.2. . Банк филиалларини очиш ва рўйхатга олиш тартиби

2.3. УР ТИФ Миллийбанк ташкил этилишининг ҳуқуқий асослари

III-Боб. УР ТИФ Миллийбанк фаолиятини ривожлантириш

3.1. УР ТИФ Миллийбанк фаолиятини самарали олиб борилишини таъминлаш

IV-Боб. Хаёт фаолияти хафсизлиги

Хулоса ва таклифлар

Голоссарий

Фойдаланилган адабиётлар

Кириш

Инсоният бутун умри давомида уч буюк каишфиёт қилган: олов, гилдирак ва марказий банк.

Уилл Роджерс

Таъкидлаш лозимки, иқтисодиётимизнинг барча соҳаларидаги каби, банк тизимидаги ислоҳотларнинг ҳам давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишининг бешта асосий тамойилига асосланганлиги эришаётган беқиёс ютуқларимизнинг бош омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу ўринда Президентимиз томонидан жамиятнинг қон томири бўлган банк тизimini ривожлантиришга аҳолига ғамхўрлик қилиб келинаётганлиги мамлакатимиз банк тизимининг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлашда муҳим ўрин тутаётганлигини таъкидлаш жоиз.

Иқтисодиётнинг изчил суръатларда ўсиши, республикамызда барпо этилган банк-молия тизимининг барқарор ва ишончли фаолият юритиши, умуман, мамлакатимизни модернизация қилиш йўлида қўйган дадил қадамларимиз дунё ҳамжамияти, шу жумладан, нуфузли халқаро молия ташкилотлари томонидан мунтазам эътироф этиб келинаётгани биз учун ниҳоятда қувонарлидир.

2010 йил апрель ойида “Инқирозга қарши чоралар дастурининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги риқожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)” мавзуида бўлиб ўтган халқаро илмий-амалий конференциянинг халқаро ташкилотлар ва молия институтлари вакиллари, хорижий мамлакатларнинг давлат ва жамоат арбоблари, иқтисодчи олимлар, бизнесмен ва экспертлардан ташки топган иштирокчилари ҳам иқтисодий ривожланишнинг беш тамойилиги асосланган “Ўзбек модели” ижобий натижаларини амалда кўрсатаётганлигини эътироф этдилар бу жараёнларни ҳукукий асосларини урганиш ва таҳлил этиш **малакавий битирув ишининг долзарблигини билдиради.**

Қолаверса, ўтган йилнинг май ойида мамлакатимизда ўтказилган Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилари кенгашининг 43-йиллик мажлиси давомида халқаро ташкилотлар, жаҳондаги кўплаб йирик молия институтлари вакиллари томонидан ҳам Ўзбекистон иқтисодиёти, жумладан банк тизимининг ривожланиши тўғрисида ижобий фикрлар билдирилди.

Бугунги кунда тижорат банклари республикамызнинг барча минтақаларида ўз муассасаларига эга бўлиб, мамлакатимиз аҳолиси ва хўжалик субъектларининг банк хизматларидан фойдаланиш имкониятлари кўрсаткичлари энг ривожланган мамлакатлар даражасига етди.

Ҳозирда Ўзбекистон 31та тижорат банки фаолият кўрсатиб келаётган бўлиб, шундан 3-таси давлат тижорат, 13-таси акциядорлик-тижорат, 10-таси

хусусий ва 5-таси чел эл капитали иштирокидаги банклардир. Ушбу банкларнинг республика минтақаларида 9 мингдан зиёд таркибий бўлинмалар (филиаллари, мини-банклари ва бошқа турдаги чакана хизмат шахобчалари) самарали фаолият кўрсатаётганлигини таккослаш **малакавий битирув ишининг асосий вазифаси** булиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”-ги ПҚ – 1438 – сонли Қарори ушбу вазифаларнинг ижросини таъминлаш борасида қабул қилинган дастурий меъёрий – ҳуқуқий молия тизимини янада ислоҳ қилишга, унинг барқарорлигини оширишнинг устувор йўналишларини белгилашга ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишга қаратилган.

Шу билан бирга банк – молия тизимида хусусан капитални янада кўпроқ жалб қилиш, аҳоли ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ишончини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий банклар ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”-ги, “Кредит бюrolари фаолияти ва кредит ахбороти алмашуви тўғрисида”-ги, “Гаров реестри тўғрисида”– ги қонунлари лойиҳалари тайёрланмоқда.

Юқоридаги фикрларни амалга ошириш ва банк тизимини янада ривожлантириш боарсидаги ишларни мувофақиятли хал этиб бориш борасидаги ишлар ургани малакавий ишн мавзусини ута долзарблигини билдиради.

“ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ЕТАРЛИ КАПИТАЛГА
ЭГА, МОЛИЯВИЙ БАҲҚАРОР БЎЛИШИ
ЛОЗИМ, БИР СЎЗ БИЛАН АЙТГАНДА, УЛАР
ЙИРИК ИНВЕСТИЦИЯ ИНСТИТУТЛАРИГА
АЙЛАНИШИ ДАРКОР”

И.А. КАРИМОВ

I-Боб. Банкларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш боскичлари

1.1. Илк банкларнинг пайдо бўлиши

Тижорат банкларининг вужудга келиши узоқ асрларга бориб тақалади. Лингвистика ва этимология фанларининг хулосаларига кўра банк сўзи эски француз сўзидаги *banque* ва италянча *banco* сўзларидан олинган бўлиб, ушбу сўзлар уларнинг сўз бойлигига бир неча юз йил олдин кириб келган ҳамда “*айирбошлаш столи*” маъносини англатади. Банкирларнинг иши асосан айирбошлаш бўлиб, улар стулда ўтириб, шаҳарга келган саёхатчиларнинг хорижий пулларини ўзларининг маҳаллий пулларига алмаштириб беришган ёки белгиланган тўловда тижорат векселлари ҳисобини юритишган. Илк банкирлар ўз фаолиятларини молиялаштириш учун ўзларининг сармояларидан фойдаланишган. Кейинчалик депозитларни жалб қилиш операциялари ҳам қўлланила бошлаган. Вақт ўтиши билан, айнан депозитлар банк ресурсларининг асосий элементи бўлиб хизмат қилди. Тарихчиларнинг фикрига кўра, илк банкирлар – ассирийлар, вавилонликлар ва қадимги греклар - бундан 2000 йил муқаддам пайдо бўлишган. Вавилонда эрамиздан олдинги VII-V асрларда икки йирик банк ташкилоти фаолият юритган. Қадимги Грецияда банклар родини ибодатхоналар (Дельфий, Делос, Эфее, Самос) ўйнашган. Черков банклар жамғармаларни қабул қилишган ва жисмоний шахсларга, жамоа ташкилотларига ссудалар беришган. Тижоратчилар, денгизчилар ва деҳқонларга берилган кредитлар йиллик 6% дан ойлик 48% гача берилган ҳамда улар жуда ҳам рискли операция бўлган. Қадимги Рим ва Грецияда кредит операцияларини тартибга солиш бўйича қонун амал қилган. Тахминан эрамиздан олдинги 450 йилда Грецияда ссудалар бўйича йиллик фоиз ставкасини 8,5 % миқдорда чекловчи меъёрий ҳужжат қабул қилинган. Византия ҳукмдори Юстиниан пулли битимларни назорат қилувчи ва фоиз ставкаларини оширишнинг чегараловчи қонун

қабул қилган. Ушбу қонунга кўра савдогарларга кредитлар учун йиллик фоиз ставкасининг максимал миқдори 8 %, аҳолининг қолган қисмига йиллик фоиз ставкасининг максимал миқдори 6 % қилиб белгиланган.

Банк иши босқичма-босқич тарзда қадимги грек-рим цивилизацияси доирасида ривожлана бориб, Шимолий ва Ғарбий Европада кенг қулоч ёйди. Ўрта асрларга келиб Европада банклар фаолиятида италияликларнинг фаоллиги кузатилди. Ва албатта, “банк” сўзининг итальян тилидан келиб чиққанлиги шу билан изоҳланади. Аммо, бу ердаги банклар ўрта асрларга келиб черков тазйиқига учради. Бунга асосий сабаб, улар тақдим этаётган кредитлар учун сўралаётган юқори фоиз ставкалари эди. Чунки, бу маҳаллий аҳоли моддий аҳволига жиддий зарар етказар эди. Бироқ, банклар томонидан бой мижозларни жалб этилиши ҳамда бой мижозлар томонидан банклар кўрсатаётган хизматларга талабнинг ортиши черков тазйиқини заифлаштирди. Бу ўз навбатида, банклар ривожланишини жадаллаштириб юборди. XI асрга келиб Венецияда лизинг битимларига ўхшаш битимлар тузила бошланди. Бир қатор итальян банкирлари бошқа Европа давлатлари (Буюк Британия, Нидерландия)да ўзларининг идораларини оча бошлашди. Улар орасидан энг машҳури Ломбардлар оиласи бўлиб, ҳозирги кундаги ломбард ташкилотларининг номи ушбу оила номи билан боғлиқдир.

Банкларнинг ривожланишида яҳудийларнинг хизматларини алоҳида эътироф этиш зарур. Зеро, улар тарихий маълумотларга кўра, энг яхши банкирлар сифатида тан олинган (масалан, Родшильдлар оиласи).

XV-XVII асрларда янги савдо йўлларининг очилиши ва кема қатновининг ривожланиши Ғарбий ва Шарқий Европани халқаро савдо марказига айланишига олиб келди ҳамда банклар ривожланишига катта туртки бўлди. Буғ машиналарининг пайдо бўлиши, умуман саноат инқилоби даврида банкларнинг тўловларни амалга ошириш ва кредитлар бериш каби хизматларига талаб ошди. Бу даромадлилик риск дилеммаси туфайли кун кўрувчи банкларни даромадлилигини ошириш билан уларни олиниши кутилаётган даромадга тенг ёки ундан ҳам кўпроқ рискка рўпара қилди. Ушбу даврда банклар фаолияти жамоа тарзида ривожланиб, савдо ҳамкорликларини туза бошлашди, шунингдек шаҳар ва давлатларнинг шунга ўхшаш ташкилотлари тузила бошланди. Банк сифатида биринчи ташкил топган 1407 йилдаги Генуя банкидир. Унинг номи

“Авлиё Георгия Банки” бўлган ва ўз фаолиятини XIX асргача давом эттирган. Ушбу банк бир қатор Генуя ҳукумати кредит ташкилотларининг бирлашишидан ташкил топган.

Бундан ташқари, XVI-XVII асрларга келиб Европанинг Венеция, Милан, Амстердам ва Гамбург сингари шаҳарларида махсус жиробанклар ташкил қилинган. Уларда ҳисоб-китобларни нақд пулсиз ҳам амалга оширилган. Жиробанклар ўзларининг ортиқча пул маблағларини давлатга ва мижозларига қарз берган. Жиробанклар тижорат банкларининг ибтидоий кўриниши ҳисобланади. XVII асрнинг ўрталарида Англияда банк тизими жадал суръатлар билан ривожлана бошлади. Банк ташкилотлари кредитга бўлган эҳтиёжни қондирган ҳолда Англиянинг иқтисодий ривожланишига ҳисса қўшган. Вильям Питерсоннинг лойиҳаси бўйича 1694 йилда Англия банки ташкил этилган. АҚШдаги ҳозирги кунда ҳаммага маълум банк тизими 1781 йилда Филодельфияда Шимолий Америка Банки ташкил этилиши билан бошланади.

1.2. Собик Иттифок даврида амалда булган банк-кредит тизими

1959 йилдан 1988 йилгача бўлган даврда мавжуд тармоқ банклари қайта ташкил қилиниб, мамлакатдаги барча кредит муносабатларини олиб бориш мақсадида учта банк ташкил қилинган. Булар: Давлат банки, Қурилиш банки, Ташқи савдо банки. Давлат банки халқ хўжалигининг барча соҳаларига (фақат қишлоқ хўжалигининг баъзи эҳтиёжлари учун узоқ муддатли кредитлар берган) қисқа муддатли кредитлар бериш билан шуғулланган. Қурилиш банки капитал қўйилмалар билан боғлиқ бўлган харажатларни, қурилишни молиялаштириш, узоқ муддатли кредитлар бериш билан боғлиқ операцияларни бажарган. Ташқи савдо банки Москвада жойлашган бўлиб, мамлакатнинг экспорт-импорт билан боғлиқ фаолиятини бошқариб борган.

Собик Иттифок даврида пул-кредит сиёсатини СССР Давлат банки амалга оширар эди. Бунда пул-кредит сиёсати тўлиқ марказлашган ёпиқ характерга эга бўлиб, у тўғрисида бирон-бир маълумот ёритилмас эди. Пул эмиссияси марказдан амалга оширилар ва сўнгра олдиндан белгилаб қўйилган лимитлар асосида республикаларга тарқатилар эди. Албатта, бу

тизимда пул-кредит сиёсатининг асосий инструментларини ишлатишга ҳожат ҳам йўқ эди.

Режали иқтисодиёт хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, банк тизими ҳам бу даврда ниҳоят даражада марказлашган бўлиб, у СССР Давлат банки, Ташқи иқтисодий фаолият банки, Курилиш банки ва Давлат меҳнат жамғарма кассаларидан иборат эди. Республикаларда мос равишда бу банкларнинг республика, вилоят ва туман бўлимлари фаолият кўрсатар эди. Мазкур банкларнинг жойлардаги бўлимлари фақатгина техник характерга эга бўлган пул кўчириш ишларини бажарар эди. Бутун банк тизими ягона марказдан бошқарилиб, кредитлаш лимитлари ҳам, нақд пул чиқариш лимитлари ҳам фақат марказ рухсати билангина амалга оширилар, ҳамма масалалар юқоридан ҳал қилинар эди. Банклар ўртасида рақобат муносабатлари мутлақо инкор этилар эди. Аҳоли ўз қўлидаги бўш пулларини фақатгина Давлат меҳнат жамғарма кассаларида қатъий белгиланган фоиз олиш шарти билан сақлаши мумкин эди. Ўзбекистон конституциясига кўра Иттифоқ таркибидаги суверен республика сифатида тан олинган бўлсада, амалда у марказ томонидан амалга оширилаётган пул-кредит сиёсатига мутлақо аралашуш ҳуқуқига эга эмас эди.

Собиқ Иттифоқ банк тизимининг яқка ҳукмронлиги шароитида ташқи иқтисодий фаолиятдан тушган барча олтин-валюта захиралари ҳам ягона марказда тўпланган эди. Бу албатта, ягона марказлашган давлат бўлган Совет Иттифоқининг табиатиغا мос ҳолат эди. Республикаларнинг ташқи савдо операцияларига қўшган ҳиссаси, экспорт тушумларидаги ҳиссаси ҳеч кимни қизиқтирмас эди. Бу ҳолат республикаларни умуман ташқи иқтисодий фаолиятда кенгроқ қатнашишга рағбатлантирмас эди.

1987 йилда бошланган банк тизимини қайта қуриш жараёни иқтисодиётда, жумладан, банк соҳасида тўпланган бир қатор салбий ҳодисалар натижасида юзага келди. Қайта қуриш ташаббускорларининг фикрича, банк тизимини қайта ташкиллаштириш иқтисодиётни бошқаришдаги тузилманинг таркибий қисми бўлиши керак эди. Шунинг

учун ҳам, бизнинг мамлакатимизда қайта қуриш жараёни айнан банк тизимини қайта қуришдан бошланди, чунки социалистик иқтисодиёда кучли молиявий ва заиф банк тизими амал қилса, бозор иқтисодиёти мамлакатларида эса банк тизими кучли бўлиши лозим деб ҳисобланади. Лекин I босқичда банк тизимини ислоҳ қилиш кутилаётган натижаларни бермади. Асосий камчилик бўлиб қайта шакллантиришнинг асосан банкларни сонини кўпайтиришга йўналтирилганлиги, бунда уларнинг иш услуби, вазифалари, тартиби ўзгартирилмаганлиги ҳисобланади. Экспертларнинг фикрича, банкларнинг фаолияти бу даврда ёмонлашди.

Банк тизимини қайта ташкил этиш.

1. Давлат банки – 4,5 минг муассасалари.

2. СССР Қурилиш банки – 2,5 минг муассасалари. Капитал кўйилмаларни молиялаштириш ва кредитлаш.

3. Ташқи савдо банки – мамлакат ҳудудида 7 та бўлинмаси мавжуд эди.

Банклар тизими ана шу 3 элементдан иборат эди.

Шунингдек, давлат меҳнат жамғарма кассалари (ДМЖК) тизими ҳам мавжуд эди. ДМЖК нинг ўзига хос хусусияти шундан иборат эдики, улар кредит бермас эди, фақатгина маблағларни жалб қилиш ва ҳисоб-варақлар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш билан шуғулланар эди.

Қайта қуриш натижасида:

1. Давлат банки қолдирилди.

2. СССР Қурилиш банкидан – СССР Саноат қурилиш банки, СССР Уй-жой қурилиш ва ижтимоий таъминот банки ҳамда СССР Агросаноат банки ташкил этилди.

3. Ташқи савдо банкидан эса – СССР Ташқи иқтисодий фаолият банки тузилди.

ДМЖК дан эса СССР Жамғарма банки ташкил топди.

1987 йилдаги қарорга биноан эса янги тижорат банкларини таъсис этиш ҳуқуқи амалга тадбиқ этилган эди. Шунингдек, банк ишида давлат монополияси қисқартирилди. Давлат ҳукумат номидан банк тизимини

диверсификациялашга қарор қилди. Собиқ банк тизимининг асосий камчилиги – рақобат муҳитининг мавжуд эмаслиги. Давлат банки ўзининг бир қанча вазифаларини Қурилиш банки ва Ташқи савдо банкига топширган эди. Давлат банки валюта захираларини сақлаш, қимматбаҳо металллар билан савдо қилиш ҳамда қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатиш билан шуғулланар эди. 1987 йилга қадар мамлакатдаги банк тизими айнан монобанк тизим эди. Ислохот натижасида эса ҳар бир банк ўз соҳасига хизмат кўрсатиши белгилаб олинди:

Саноат-қурилиш банки – саноатни;

Уй-жой қурилиш ва ижтимоий таъминот банки – уй-жой-коммунал хўжалигини;

Агросаноат банки – қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотлари;

Жамғарма банк – аҳолига хизмат кўрсатиш;

Ташқи иқтисодий фаолият банки – кредитлаш, халқаро ҳисоб-китоблар ва бошқа операциялар.

Давлат банкидан тижорат банклари бажарадиган функцияларини ажратиш бўйича илк қадамлар қўйилди. Давлат банки асосида махсус банклар ташкил этила бошланди ва 88-йилларга келиб улар ўртасида миқдорларни жалб қилиш борасида кураш бошланган эди.

1-босқич натижасида вужудга келган салбий ҳолатлар:

1. Банкларнинг расмиётчилиги кескин ўсиб кетди.

1987 йилнинг 1 январидан банк бўлимларининг сони 11,2% га қисқарди, бошқарма ва идораларининг сони эса 86,5% га ўсди.

2. Банк тизимини қайта ташкил этилиши кредит муассасаларининг ихтисослашувига олиб келмади.

3. Банклар ўртасида ўзаро муносабатлар яхшиланмаган эди (баъзи экспертларнинг фикрича, «банклараро уруш» мавжуд эди).

1-босқичнинг муваффақиятсизлиги сабаблари:

1. У олдиндан пухта тайёрланмаган эди. Яъни унда мижозларни бир банкдан бошқа банка ўтказиш, кредит муассасаларининг ташкилий тузилмаси, кадрлар масалалари ҳал қилинмаган эди.

2. Ислоҳот етарли иқтисодий асосларсиз амалга оширилган эди. Мамлакатда қайта қуришнинг дастлабки бўғини бўлиб «Давлат корхонаси, бирлашмаси тўғрисида» ги 1987 йил 30 июндаги қонуннинг қабул қилиниши, сўнгра эса қабул қилинган Давлат режасини қайта ташкил этиш, Молия Вазирлигини, Давлат қўмитасини нархлар, илм ва техника, ижтимоий масалалар бўйича шакллантириш, банкларни қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарорларнинг қабул қилиниши асос бўлди.

3. Банкларни ислоҳ қилиш мамлакатдаги хўжалик ҳисобининг заифлашувиға олиб келди. Тармоқлар экстенсив ривожланар эди, эски нархлар тизими амал қилар эди. Иқтисодий ўсиш муаммоси корхоналарнинг заиф молиявий асоси билан боғлиқ эди.

1988 йилдан 1990 йилнинг декабригача.

Яна қайта ташкил этилган банк тизими 1990 йил декабр ойида қабул қилинган «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ги қонун асосида қайта шакллантирилган эди. Кредит тизимидаги ислоҳотлар нафақат банк тизимидаги ўзгартиришларни, балки кредитлаш усуллари, услублари ва тамойилларида ҳам ўзгартиришлар киритишни мўлжаллайди. СССР да оборот бўйича кредитлаш усули кенг қўлланилган эди, эндиликда эса қолдиқ бўйича кредитлаш усули жорий этилган эди. 88-90 йиллардаги қонунларда банк тизимининг ҳар бир бўғинининг функциялари аниқ белгиланган эди. 87-90 йиллардаги кредит ислоҳотларининг асосий натижалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- банк ислоҳоти банк тизими тубдан ўзгартилишиға ва янги турдаги тузилмага айлантирилишиға олиб келди;

- банк ишида давлат монополияси тугатилди;

- жаҳонда қабул қилинган икки поғонали банк тизимини шакллантиришға ўтилди;

- банклар фаолияти қонунчилик асосларига ўтиши. Эмиссион банк ижро ҳуқумати қўлидан қонунчиликка ўтказилди;

- банк соҳасини марказлаштирилган бошқарувини яқунланиши;

- банк капиталини акционерлаштириш, турли хил мулкчилик шакллари асосида банкларни, шу жумладан, хусусий банкларни ташкил этилиши.

1.3. Мустақил Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг ривожланиш босқичлари

Иқтисодий ислохотларни амалга оширишда банк тизими амалда локомотив вазифасини бажаради.

И. А. Каримов

Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг шаклланиши бево-сита мамлакатимизнинг давлат мустақиллигига эришиши билан боғ-лиқдир.

А. Айнан 1991 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Банк-лар ва банк фаолияти тўғрисида»ги илк қонуни қабул қилиши билан мамлакатимиз миллий банк тизими ривожланишининг биринчи босқичи бошланди. Натижада мамлакатимизда икки поғо-нали банк тизимини юзага келтиришнинг дастлабки ҳуқуқий асос-лари яратилди.

Ушбу қонунга мувофиқ собиқ СССР Давлат банкининг респуб-лика бошқармаси асосида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тузилди. Марказий банкка пул муомаласини тартибга солиш, миллий банк тизимини шакллантириш, миллий тўлов тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш вазифаси юклатилди. Мазкур вазифаларни бажариш мақсадида Марказий банкда дастлаб пул-кредит сиёсати, валюта сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш, тўлов тизимини ривожлантириш бўйича бўлинмалар тузилди.

Ушбу, Ўзбекистон Республикаси «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, хўжалик субъектларини молия-лаштириш ихтисослаштирилган банклар зиммасига юклатилди. Бу эса, ўз навбатида, мазкур банкларда тегишли функционал бўлин-малар пайдо бўлишига олиб келди.

Юқорида қайд этилган чора-тадбирлар миллий банк тизимини шакллантириш йўлидаги дастлабки, муҳим қадамлар бўлди. Лекин

мустақилликнинг дастлабки йилларидаги банк тизими бозор муносабатлари талабларига тўлиқ жавоб бера олмас эди. Чунки, биринчидан, ихтисослаштирилган тижорат банкларини ташкил этиш қонунда устувор йўналиш сифатида эътироф этилди, бу эса бошқа тижорат банкларини ташкил этиш учун тенг имкониятлар яратмас эди; иккинчидан, мижозларда банкларни эркин танлаш ҳуқуқи йўқ эди; учинчидан, мижозларнинг эҳтиёжларини тўлароқ қондириш имконини берувчи банк хизматлари турлари етарли эмас эди.

Миллий банк тизимини ривожлантириш, иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуриш жараёнларида банкларнинг иштирокини кучайтириш масалаларига 1992-1994 йилларда эътибор кучайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1992 йил 8-10 декабрда бўлиб ўтган XI сессиясида банк тизимини ислоҳ қилишнинг муҳимлигини таъкидлаб, жумладан, шундай дедилар: «Бозор иқтисодиётига асосланган жамият қуриш учун, авваламбор, ривожланган бозор иқтисодиётига хизмат қиладиган тармоқлар, жумладан, тижорат банклари тармоғи фаолиятини ривожлантирмасдан туриб, маърифатли бозор сари аниқ қадам ташлаш тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас»¹

Президентимизнинг банк тизимидаги ислохотларни чуқурлаштиришга оид фикрлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1993 йил 3 сентябрда бўлиб ўтган сессиясида сўзлаган нутқида давом эттирилди. Бунда асосий эътибор Марказий банк томонидан пул тизимини мустаҳкамлаш, валюта муносабатларини тартибга солиш, миллий тўлов тизимини такомиллаштириш, тижорат банклари томонидан халқ истеъмолчи товарлари, қурилиш моллари ва халқ хўжалиги учун муҳим бўлган бошқа товарларни ишлаб чиқаришни кўпайтиришни таъминлашга қаратилди.

1992-1994 йилларда миллий иқтисодиётдаги аҳвол мураккаблигича қолди. Бу даврда истеъмол нархларининг ўсиши ўртача 1000 фоиздан ошди. Бу кўрсаткич 1994 йилда ўзининг юқори чўққисига чиқди, яъни мазкур йилда инфляция даражаси 1282 фоизни ташкил қилди.¹ 1993-1994 йилларда тижорат банкларининг ресурслар базасига ва молиявий ҳолатига салбий таъсир этувчи мажбурий захира талабномалари сақлаб қолинди. 1993 йил ноябрь ойдан бошлаб талаб қилиб олингунча бўлган депозитлар ва уч йилдан

¹ И.А. Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура, 1-том.-Т.:Ўзбекистон, 1996.-119 б.

¹ Ўзбекистон Республикаси банк тизими. Ф.М. Муллажонов таҳрири остида.-Т.:Ўзбекистон, 2001.-57 б.

ортиқ бўлмаган муддатга жалб қилинган депозитлар учун мажбурий захира ставкаси 30 % қилиб белгиланди.

Амалга оширилган тадбирлар кўлами, 1991-1994 йилларни Ўзбекистон банк тизимини ривожлантиришнинг биринчи босқичи сифатида эътироф этиш имконини беради.

Б. 1994 йилда миллий валюта - сўмнинг муомалага киритилиши билан миллий банк тизимини шакллантиришнинг иккинчи босқичи бошланди ва у 1998 йилга қадар давом этди. Ушбу босқичда ҳақиқий икки поғонали банк тизими яратилди. Биринчи марта 1995 йил 21 декабрь куни «Ўзбекистон Республикасининг Марказий бан-ки тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Қонун Марказий банкнинг муомаладаги пул массасини тартибга солувчи давлат органи сифатидаги мавқеини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлади. Қонуннинг аҳамиятга молик муҳим жиҳатларидан бири шундаки, Марказий банк ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилиш борасида мустақил ҳисобланади. Давлат Марказий банкнинг мажбуриятлари юзасидан, Марказий банк эса давлатнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

1996 йил 25 апрелда «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни янги таҳрирда қабул қилинди. Қонунда тижорат банкларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилди.

Миллий банк тизимини ислоҳ қилишнинг иккинчи босқичида тижорат банкларининг сони ва кўрсатадиган хизмат турлари кўпайди. Бу эса миллий банк тизимида рақобат муҳитини шакллантиришда муҳим омил бўлди. Айниқса, автомобиль саноати корхоналарини қўллаб-қувватлаш мақсадида «Асакабанк»ни, ғалла етиштиришни молиялаштирувчи «Ғаллабанк»ни, савдо ва тижоратга кўмаклашувчи «Савдогарбанк»ни, пахтачиликка ихтисослашган қишлоқ хўжалиги ва пахтани қайта ишлайдиган корхоналарни молиявий жиҳатдан таъминловчи «Пахтабанк»ни ташкил этилиши банклараро рақобат муҳитини шакллантиришдаги жиддий қадам бўлди.

Иккинчи босқичда кўп сонли банклар очик турдаги акционерлик жамиятлари шаклида таъсис этилди. Бу эса ушбу тижорат банкларини, улардаги давлатга тегишли бўлган акциялар пакетини хусу-сий, шу жумладан, хорижий инвесторларга сотиш орқали хусусий-лаштириш имконини берди.

Ихтисослаштирилган тижорат банкларини ташкил этилиши банклараро рақобат муҳитини ривожлантириш, иқтисодиётнинг

реал секторини молиявий рағбатлантириш-ни кучайтириш мақсадида амалга оширилган зарурий тадбир эди. Лекин бизга халқаро банк амалиётидан маълумки, ихтисослаш-тирилган тижорат банкларининг активларни диверсификация қи-лиш имконияти чегараланган бўлади ва бу уларнинг риск даража-сини оширади. Чунки бирор тармоқнинг заифлашиши ушбу тар-моққа ихтисослашган банкларнинг ҳам заифлашишига олиб келади. Натижада тизимли риск туфайли бутун банк тизими заифлашиши мумкин.

«Тижорат банклари молиявий ҳолатини барқарорлаштириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 18 мартдаги қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди. Қарорда республика банк тизимини халқаро банк амалиётини ўрганиш асосида чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Шунингдек, банкларнинг мустақиллиги ва жавобгарлиги ҳам оширилди.

Иккинчи босқичда аҳоли омонатларини банк муассасаларига жалб қилиш борасида сезиларли ўзгаришлар амалга оширилди. Улардан асосийси, жалб қилинадиган аҳоли омонатларининг умумий суммасини тижорат банкларининг ўз капитали ҳажмлари билан чеклайдиган Низомнинг бекор қилиниши бўлди. Бу тадбир қисқа вақт ичида ўз самарасини берди: 1994 йил бошида аҳолининг банк тизимидаги жамғармаларининг 98,5 фоизи Жамғарма банки ҳиссасига тўғри келган бўлса, шу йилнинг охирига келиб бошқа тижорат банкларининг улуши 12,8 фоизни ташкил этди.¹

Миллий банк тизимини ривожланишига кучли туртки берган омиллардан асосийси тўрт йил мобайнида, яъни 1994-1998 йиллар мобайнида Ўзбекистон ҳукумати томонидан тижорат банкларини асосий солиқ турларидан озод қилинганлиги ҳисобланади. Солиқларни тўлашдан бўшаган маблағларнинг сезиларли қисми банклараро тўловларни амалга оширишнинг ягона электрон тизимини яратишга сарфланди. Натижада қисқа муддат ичида халқаро андозалар талабларига жавоб бера оладиган замонавий банклараро тўловлар тизими яратилди.

Солиқлардан бўшаган маблағларнинг маълум қисми республика банкларининг барча миқозлари бўйича маълум ахборотни сақлаш, тузиш ва янгилашнинг кўп мақсадли тизими бўлган Банк депозитарийларининг миллий ахборот базасини тузишга йўнал-

¹ Ф.М. Муллажонов таҳрири остида. Ўзбекистон Республикаси банк тизими. -Т.:Ўзбекистон, 2001. -79 б.

тирилди. Бу тизимдан фойдаланувчилардан бири кредит бюроси бўлиб, у кредит олувчиларнинг молиявий аҳволи ва уларнинг кредит тарихи тўғрисидаги маълумотларни йиғади.

Банк тизимини ривожлантиришнинг иккинчи босқичида қўлга киритилган муҳим ютуқлардан яна бири, шубҳасиз, банкларда бухгалтерия ҳисобини юритишнинг янги тизимига ўтилганлигидир. Мазкур тизимга ўтиш 1994 йилдан бошланди. 1996 йилнинг иккинчи ярмида ўша пайтдаги дунёдаги ўта нуфузли компаниялардан бири “Артур Андерсен” консалтинг фирмаси билан ҳамкорликда Марказий банк мутахассислари томонидан банклар учун бухгалтерия ҳисоби тизими ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинди.

Мазкур босқичда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 24 апрелдаги «Хусусий тижорат банклари ташкил қилишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг қабул қилиниши хусусий банклар ривожлантирилишга сезиларли даражада ижобий таъсир қилди. Мазкур Фармонга кўра низом жамғармасида жисмоний шахсларнинг улуши 50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда хусусий тижорат банкларини очиш учун бир қатор имтиёзлар берилди. Жумладан,

– янги ташкил этилаётган хусусий банклар минимал устав фонди 300 минг АҚШ доллари қилиб белгилаш;

– янги ташкил этилган хусусий банклар ташкил этилган пайдан бошлаб 2 йил даромад солиғидан озод қилиш;

– янги ташкил этилган хусусий банкларга 6 ой ичида валюта операцияларини амалга ошириш учун лицензия бериш каби имтиёзлар берилди. Ушбу Фармоннинг амалиётга татбиқи натижасида 2002 йилнинг 1 январь ҳолатига хусусий банкларнинг сони 18 тага етди¹.

Миллий банк тизимида банкларни корпоратив бошқариш тизимини мустаҳкамлашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 2 октябрдаги «Акциядорлик-тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони муҳим роль ўйнайди. Мазкур Фармон тижорат банкларини бошқаришда акциядорларнинг ва Банк Кенгашларининг ролини оширишга доир тадбирлар мажмуини белгилаб берди. Фармонда давлат улуши банк капиталида 25 % дан ошган ҳолда Банк Кенгаши таркибига Марказий Банкдан ишончли вакил киритилиши айтиб ўтилди. Фармон чиққунга қадар банк Кенгашлари, улар зиммасига

¹ Ф.М. Муллажонов таҳрири остида. Ўзбекистон Республикаси банк тизими. Т.: Ўзбекистон, 2005.-83 б

банк фаолияти устидан назоратни, жумладан, омонатчилар ва акциядорлар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида тўғри кредитлаш ва маблағларни инвестиция қилиш устидан назоратни амалга ошириш масъулияти юклатилганлигига қарамасдан, ўз мажбуриятларини бажаришга юзаки муносабатда бўлиб келишарди. Бу эса, пировард натижада, банкларнинг кредит ва қимматли қоғозлар портфелининг сифатини ёмонлашувига олиб келарди.

Халқаро банк амалиёти ҳамда банк назорати бўйича халқаро Базель кўмитаси хулосаларига кўра банк Кенгаши ўзига юклатилган вазифаларни муваффақиятли тарзда ҳал этиши учун унга банк ички аудит хизмати бевосита ёрдам кўрсатиши лозим. Шу боисдан Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ички аудит хизматига қўйиладиган талаблар ўзгарди. Бундан буён барча тижорат банклари фаолияти ва ўтказилаётган операцияларнинг ҳар бир тури учун ички назорат тамойилларини ишлаб чиқиш талаб этилади. Банкнинг ички аудит хизмати ижрочи раҳбариятга бўйсунмаслиги ва хизмат ходимлари юқори малакага эга бўлишлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 27 июндаги «Ўзбекистон Республикаси миллий валютасининг ички эркин алмаштирилишини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 1996 йил 31 майдаги «Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш ва улар фаолиятини рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонларига биноан ваколатли банклар халқ истеъмоли моллари ва экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган, республика иқтисодиётини базавий ва етакчи тармоқларида устувор лойиҳаларни амалга оширишда қатнашаётган корхоналарга (шу жумладан, хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарга) сўмларни эркин муомаладаги валюталарга имтиёзли равишда айирбошлаб беришни таъминлайдилар.

Республика иқтисодиётини бозор муносабатлари тамойилларига асосланиб ривожлантирилиши, албатта, молия тизимини ва валюта бозорини эркинлаштиришни тақозо этади. Шунинг учун биржадан ташқари валюта бозорининг кўламини янада кенгайтириш зарурияти туғилди.

Ҳукуматимиз ва Марказий банк валюта бозорини янада эркинлаштиришни, миллий валютаимиз сўмнинг хорижий валюталарга

эркин айирбошланишини босқичма-босқич амалга ошириш сиёсатини қўллади.

Миллий банк тизимини шакллантириш ва ривожлантиришнинг иккинчи босқичига хос бўлган айрим долзарб муаммолар бўлганлиги таҳлил жараёнида маълум бўлди. Улардан асосийлари сифатида куйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

а) Юқори даражадаги мажбурий захира талабномаларининг сақланиб қолганлиги.

1994 йилдан 1998 йилга қадар мажбурий захира ставкаси сезиларли даражада, яъни 10 пунктга пасайтирилди. Аммо у ривожланган хорижий давлатлар амалиётига нисбатан юқори эди. Масалан, мажбурий захира ставкаси Японияда 0,1-0,125 фоизни, Буюк Британияда 0,45 фоизни, Германияда 7-8 фоизни ташкил қилади. Республикамизда эса мазкур даврда уч йилгача муддатга жалб қилинган барча депозитлар учун захира ставкаси 20 % қилиб белгиланган эди. Бунинг устига, захира ставкаси депозитнинг муддати ва суммасига боғлиқ равишда табақалаштирилмаган эди.

б) Тижорат банкларининг ресурс базаси заифлиги.

Республикамиз тижорат банклари ресурсларининг иккинчи босқичи таҳлили натижаларига кўра, уларнинг депозит базаси ҳажмида 1994-1998 йиллар мобайнида жорий депозитлар салмоғининг 80 фоиздан юқори бўлганлиги уларнинг ресурс базасини заиф бўлганлигидан далолат беради.

В. Ўзбекистон миллий банк тизимини ривожлантиришнинг учинчи босқичи 1999-2003 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 январда қабул қилинган «Банк тизимини ислоҳ қилиш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарори навбатдаги босқичга ўтишга асос бўлди. Қарорда тижорат банклари низом жамғармасининг минимал ҳажми, низом жамғармасида битта акциядор улушининг максимал ҳажми, тижорат банкларининг бир-бирларининг низом жамғармаларида иштирок этиши, банкларни хусусийлаштириш бўйича қўйиладиган талаблар каби долзарб масалалар ўз аксини топди. Ушбу қарорга мувофиқ банк тизимини ислоҳ қилиш борасида республика комиссияси тузилиб, банк тизимидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш бўйича аниқ тадбирларни амалга ошириш унинг асосий вазифаси қилиб белгиланди.

Учинчи босқичда банк тизимида хорижий капиталларни жалб қилиш масаласига катта эътибор берилди. Чунончи, Вазирлар Маҳ-

камасининг 1999 йил 26 ноябрдаги 511-сонли Қарорига мувофиқ, 2000 йилда «Асакабанк»нинг 50%, 2001 йилда Миллий банкнинг 40 % акцияларини хорижий сармоядорларга сотиш мўлжалланди.

Мазкур босқичда аҳоли омонатларини банк муассасаларига жалб қилишни рағбатлантириш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди. 2002 йилда Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди ва ушбу қонунга мувофиқ фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш Фонди ташкил этилди. Бу ўз навбатида, аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини ошириб, инвестицион жараёнларга аҳоли омонатлари салмоғи ошишига хизмат қилди. Ушбу Фонд ҳақида кейинги бобларда тўлиқроқ тўхталиб ўтамиз. Шунингдек, банклардаги аҳоли омонатларидан мажбурий захира фондига ажратма қилиш бекор этилди. Шунингдек, корхона ва ташкилотларга бир пайтнинг ўзида бир неча банкда ҳисоб рақамлари очишга рухсат берилиши ҳам банклараро рақобат муҳитини кучайтишига олиб келади ва банкларнинг универсаллашуви учун самарали қадамлардан бири бўлди.

Миллий банк тизимини ривожлантиришнинг учинчи босқичида қўлга киритилган муҳим ютуқлардан бири инфляцияни жиловлашга муваффақ бўлинганлиги ва шунинг асосида кредитларнинг фоиз ставкаларини барқарорлаштиришга эришилганлиги ҳисобланади. Хусусан, расмий қайта баҳолаш ставкасининг йиллик даражаси 2000 йилнинг 3 июлидан бошлаб 24 % қилиб белгиланди. Ҳолбуки, бу кўрсаткич шу йилнинг биринчи чорагида 36 % эди.

Учинчи босқичда тижорат банклари томонидан кичик ва ўрта бизнес корхоналарини кредитлашнинг кучайтирилиши миллий иқтисодиётимизни ривожлантиришга қўшилган муҳим ҳисса бўлди. 1999 йил давомида тижорат банклари томонидан ажратилган кредитларнинг 49,3 млрд. сўми, шу жумладан, хорижий валютада ажратилган кредитларнинг 205,5 млн. АҚШ доллари кичик ва ўрта бизнес корхоналари ҳамда деҳқон-фермер хўжаликларини ривожлантиришга йўналтирилди. 2001 йилнинг биринчи ярмида кичик ва ўрта бизнес корхоналарига кредит бериш учун 72 млрд. сўм маблағ ажратилди.¹

Миллий валютанинг тўлиқ ички конвертацияланишига эришиш, миллий валюта бозорини янада эркинлаштириш масалалари

¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг жорий ҳисобот материаллари.-Тошкент, 2002 йил, 18 февраль.

миллий иқтисодиёт ривожланишининг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Бу масалаларни ҳал қилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 июндаги 263-сонли «Валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва 2001 йил 10 июлдаги 294-сонли «Биржадан ташқари валюта бозори фаолият кўрсатишини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг қабул қилиниши муҳим роль ўйнайди.

Ушбу Қарорларга кўра, Марказий банк томонидан эълон қилинадиган расмий валюта курси бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритишда, шунингдек, божхона тўловларини амалга оширишда ишлатилади. Шунингдек, мажбурий тўловларни амалга оширишга доир барча ҳисоб-китоблар ҳам Марказий банк курси билан бажарилади.

Ушбу қарорларни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад куйидагилардан иборатдир:

- мамлакатнинг ички валюта бозорини барча айирбошлаш операциялари талаб ва таклиф асосида шаклландиган валюта курси билан амалга ошириладиган ҳақиқий валюта бозорига айлантириш. Бу борада 2001 йилнинг 1 июлидан бошлаб, ҳукумат кафолатлари асосида мамлакатимизга турли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун 2001 йилнинг 1 июлигача чет элдан жалб қилинган кредитлар ва уларнинг фоизларини тўлашга доир операциялардан ташқари қолган барча операциялар валюта курси талаб ва таклиф асосида шаклландиган биржадан ташқари бозорга ўтказилади;

- экспортга маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантиришни янада кучайтириш, кичик ва ўрта корхоналарни ҳамда хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида кичик ва ўрта бизнес корхоналарига бир қатор имтиёзлар берилди. Хусусан, улар 2001 йилнинг 1 июлидан бошлаб ўзлари ишлаб чиқарган товарлар экспортдан тушадиган валюта тушумининг белгиланган қисмини мажбурий сотишдан озод қилиндилар. Шунингдек, уларга валюта тушумини белгиланган тартибда банк кассаларига кирим қилиш шарти билан товарларни нақд хорижий валютага экспорт қилишга рухсат этилди.

Биржадан ташқари валюта бозори фаолиятини ривожлантириш, ундаги барқарор талаб ва таклифни юзага келтириш мақсадида Бирлашган барқарорлаштириш жамғармаси тузилди ҳамда марказ-

лаштирилмаган экспортдан тушган валюта тушумининг 50 % ни мажбурий сотиш жорий этилди.

Банклар ўртасида соғлом рақобатни шакллантириш мақсадида 2002 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Кредит уюшмалари тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди.

Г. Ўзбекистон банк тизими ривожланишининг тўртинчи босқичи

Ушбу босқичнинг муҳим ютуқларидан бири бу – 2003 йил 15 октябрда мамлакатимиз томонидан Халқаро Валюта Фондининг VIII банди шартларининг қабул қилинишидир. Бу билан миллий валютаимизнинг эркин конвертациясига эришилди.

Аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини ошириш ва банкларга аҳоли жамғармаларини жалб этишни рағбатлантириш мақсадида 2003 йил 30 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан “Банк сирини тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонунда банк сирини сақлашга доир талаблар ва банк мижозлари тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиш мумкин бўлган вазиятлар белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қарз олув-чиларнинг кредит тарихи тўғрисидаги ахборотни ҳисобга олиш тизимини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2004 йил 23 апрелдаги 197-сонли қарори қабул қилиниши тижорат банкларига кредит олмоқчи бўлган мижозларининг кредит тарихини билиш имконини бериши уларнинг риск даражасини камайтирди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги 195-сонли қарорида тижорат банкларининг даромад солиғини ҳисоблашда солиққа тортиладиган база жисмоний шахсларнинг муддатли омонатлари кўпайган сумма миқдорида камайиши кўзда тутилган эди. 2004 йил 26 февралдаги 89-сонли қарорига кўра ушбу имтиёзлар пластик карточкалардаги омонатлар ва жойлаштирилган жамғарма сертификатлар ҳажмининг ошишига ҳам қўлланиладиган бўлди. Бу ўз навбатида, инфляция жараёнида банкларнинг омонатларни жалб қилиш операцияларини рағбатлантирди ҳамда банк иши самарадорлигига ижобий таъсир этди.

Кредит уюшмаларининг сони 2004 йил 1 январ ҳолатига кўра 14 тани ташкил этди.¹ Шунингдек, “Лицензияланадиган фаолият

¹ “Бозор, Пул ва Кредит” журналининг 2004 йил март сони: “Монетар сиёсатнинг 2004 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари”

турлари рўйхати” ва “Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки тўғрисида”ги қонунларга киритилган ўзгартиришларга кўра Республикадаги ломбардлар фаолиятини тартибга солиш вазифаси Марказий Банк зиммасига юклатилган эди. 2003 йилнинг 17 сентябрида Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ломбардларни рўйхатдан ўтказиш ва улар фаолиятларини лицензиялаш масалалари тўғрисида” 402-сонли қарори қабул қилинди. Бундай нобанк кредит институтларининг ташкил этилиши мамлакатимиз банк тизимига янги рақобатчиларни кириб келишига сабаб бўлди. Ва албатта, аҳолининг қисқа муддатли кредитларга бўлган талаби қондирилди.

Д. Ўзбекистон банк тизими ривожланишининг бешинчи босқичи

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги “Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарори билан бошланди. Ушбу қарор асосида “2005-2007 йилларда банк секторини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш дастури” қабул қилинди. Дастурда янги ташкил этилаётган банклар устав капитали миқдорини халқаро Базель кўмитаси тамойилларига мослаштириш ва босқичма-босқич ошириб бориш мақсад қилиб олинди. Жумладан, 2007 йил 1 январига қадар тижорат банклари учун энг кам устав капитали миқдорини 5 млн. АҚШ доллари эквивалентига, хусусий банклар учун 2,5 млн. АҚШ доллари эквивалентига етказиш ҳамда тижорат банкларининг ўз устав капитали (регулятив капитали)нинг банк активлари умумий миқдорига нисбати 10 % дан кам бўлмаслиги белгиланди. Тижорат банкларининг устав капиталининг минимал миқдори босқичма-босқич ошириб бориш кўзда тутилди ва 2005 йил 1 июлидан бошлаб тижорат банклари учун энг кам устав капитали миқдорини 3 млн. АҚШ доллари эквиваленти, хусусий банклар учун 1,5 млн. АҚШ доллари эквиваленти, чет эл капитали иштирокидаги банкларга 5 млн. АҚШ доллари эквиваленти миқдорида белгиланган бўлса 2006 йил 1 январдан бошлаб эса мос равишда 4 млн., 2 млн., 5 млн. АҚШ доллари эквиваленти миқдорида қилиб белгиланди.

Тижорат банклари акциялари жозибадорлигини ошириш мақсадида тижорат банклари акциясидан жисмоний шахсларнинг дивиденд тарзида оладиган даромадлари 2010 йилнинг 1 январигача солиққа тортишдан озод қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Респуб-

ликаси Президентининг 2006 йил 19 декабрдаги “Тижорат банкларининг капиталлашиши даражасини оширишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ 2007 йил 1 январдан бошлаб 2010 йилнинг 1 январигача:

- ✚ юридик шахсларнинг тижорат банкларининг акцияларидан дивиденд сифатида оладиган даромадлари солиқдан озод этилади;

- ✚ фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиққа тортиш базаси бирламчи ва кўшимча равишда чиқарилган тижорат банклари акцияларини харид қилишга йўналтирилган маблағлар суммасига тенг миқдорда камайтирилади.

Тижорат банкларининг хусусийлаштириш жараёнларидаги ўрнини ошириш ва уларнинг бу жараёндаги иштирокини кенгайтириш мақсадида тижорат банкларига қимматли қоғозларнинг бирламчи бозорига қатнашишларига ҳамда хусусийлаштириладиган корхоналар акцияларининг 50 фоизигача миқдорини белгиланган тартибда сотиб олишга рухсат берилди.

Аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини ошириш ишлари бу босқичда ҳам давом эттирилди. Жумладан, 2005 йил 5 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банклардаги депозит ҳисобварақларидан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида”ги Қарори аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини оширишда муҳим роль ўйнади.

Банкларнинг капиталлашув жараёнида аҳоли ва нодавлат ташкилотларнинг, яъни хусусий фирма ва корхоналарнинг улуши ошиб бориши ушбу бешинчи босқичнинг асосий ютуғи ҳисобланади. Бунинг ёрқин исботи сифатида, 2005 йилда Тадбиркорбанк, Савдогарбанк, Трастбанк, Ғаллабанк, Приватбанк ва “Ипак йўли” банки устав капиталидаги давлат улуши тўлиқ сотилганлигини келтириш мумкин. Шунингдек, тижорат банклари ўртасида рақобатни ривожлантириш мақсадида 2005-2006 йилларда “Асака” банкини, 2005-2009 йилларда эса Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкини хусусийлаштириш ва бунда давлат улушини етакчи хорижий банкларга ва халқаро молия институтларига сотиш вазифаси белгилаб олинди. Банклар ўртасидаги кучли рақобатни таъминлаш мақсадида ушбу босқичда нобанк молия ташкилотларига алоҳида эътибор берилди. 2006 йил 15 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати “Микромолиялаш тўғрисида”ги қонунни қабул қилган бўлса, 2006 йил 20 сентябрда эса “Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”ги қонунни қабул қилди. Унга кўра, Тошкентда

ташкил этилаётган микрокредит ташкилотлари устав жамғармасининг энг кам миқдори миллий валюта эквивалентида 20 минг АҚШ доллари, бошқа аҳоли пунктларида эса 10 минг АҚШ доллари қилиб белгиланди. Микрокредит ташкилотлари аҳолига микрокредит, микроқарз ва микролизинг хизматларини кўрсатади, аммо аҳоли омонатларини қабул қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 16 февралдаги “Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, 2005 йилда иккита банк, яъни “Ўзуйжойжамғармабанк” ва “Заминбанк” бирлашиши орқали янги “Ипотека банк” акциядорлик-тижорат ипотека банки ташкил этилди. Бундан асосий мақсад аҳолининг уй-жойларга бўлган талабини мумкин қадар тўлиқ таъминлаш, уй-жой қурилишини, айниқса, кичик шаҳарлар ва қишлоқ жойларида жадал ривожлантириш, уй-жой қурилиши учун имтиёзли узоқ муддатли ипотека кредити бериш тизимини кенг жорий этишдир. Унга кўра ипотека кредити 2 йиллик имтиёзли муддат билан камида 15 йилга кўпи билан 5 % ли ставкада тақдим этилади.

Банк тизимида олиб борилаётган кредит сиёсати иқтисодий реал секторини, айниқса, кичик бизнес ва тадбиркорликни молиялашга қаратилган. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъекларига микрокредитлар беришни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2006 йил 5 майда Тадбиркорбанк Микрокредитбанка айлантирилди.

Истеъмол кредити бўйича меъёрий-ҳуқуқий базанинг такомиллаштирилиши, жумладан 2006 йил 10 майда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан “Истеъмол кредити тўғрисида”ги қонуни қабул қилиниши ушбу кредитнинг сезиларли даражада ошишига олиб келди.

2006 йил 11 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва Тараққиёт Жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-3751-сонли Фармони қабул қилинди. Жамғарманинг устави 1 млрд. АҚШ доллари миқдорида ташкил этилди. Бу мамлакатда инвестицион жараёнларни жадаллаштишига туртки бўлиш билан бирга мамлакат банк тизими ривожига ҳам сезиларли таъсир этади.

II-Боб. Ўзбекистонда банк фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари

2.1. Банкларни рўйхатга олиш ва уларнинг фаолиятини лицензиялашнинг ҳуқуқий асослари .

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 мартдаги ПФ-3047-сонли “Пул массаси ўсишини чеклаш ва молия интизомига риоя этиш масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, (2002 йилдаги 5-6-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўпламининг 38-моддаси) ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади..

Банклар Фуқаролик Кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ одатда очик ёки ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятлари шаклида ташкил этилади.

Банк операцияларини амалга ошириш учун лицензия бериш юзасидан қарор қабул қилишда асосий омил бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- бизнес режанинг мақбуллиги;
- капиталнинг адекватлиги;
- даромадлиликнинг келгуси истиқболлари;
- кўзда тутилаётган раҳбарнинг малакаси ва обрў-эътибори;
- банкни очиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг амалдаги қонунчиликка мувофиқлиги;
- монополияга қарши чоралар.

Банк муассислари ва акциядорлари

Юридик ва жисмоний шахслар, жумладан, чет эллик юридик ва жисмоний шахслар банк муассислари ва акциядорлари бўлиши мумкин.

Банкларнинг қайта рўйхатдан ўтказилаётган банклар устав капиталида иштирок этишига йўл қўйилмайди, хорижий капитал иштирокидаги банклар ва шўъба банкларни ташкил этиш ҳоллари бундан мустасно.

Бир юридик ёки жисмоний шахс ёхуд битим орқали ўзаро боғланган ёки бир-бирининг мол-мулкани назорат қилувчи бир гуруҳ юридик ва жисмоний шахслар томонидан бир ёки бир нечта битим натижасида банк акцияларининг беш фоизидан ортиғи сотиб олинса, бу ҳақда Марказий банкка хабар берилиши, йигирма фоизидан ортиғи сотиб олинса, Марказий банкдан олдиндан розилик олинади.

Бир акциядорнинг тижорат банки устав капиталидаги улуши 2000 йил 1 январдан бошлаб устав капитали умумий миқдорининг 20 фоизидан, 2001 йил 1 январдан — 13 фоизидан ҳамда 2002 йил 1 январдан — 7 фоизидан

ортиқ бўлиши мумкин эмас (давлат улуши, шунингдек, хорижий капитал иштирокидаги банклар ва хусусий банклар бундан мустасно).

Агар шахс юридик шахсни бошқариш ёки унинг сиёсатига катта таъсир ўтказиш имкониятига эга бўлса, у бундай юридик шахс мулкани назорат қилувчи ҳисобланади. Бунда шахс қуйидаги ҳолларда катта таъсир ўтказувчи ҳисобланади:

мазкур юридик шахснинг йирик иштирокчиси бўлса;

ташкил этган банкка ҳамда филиал жойлашган ҳудуддаги Марказий банк Бош бошқармасига берилади.

Таъсис бадалларини йиғиш учун ташкил этилаётган банкка Марказий банкда, Марказий банк ҳудудий Бош бошқармасининг Ҳисоб-китоб-касса марказида ёки Марказий банк билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг бошқа банкларида муваққат жамғарма ҳисоб рақам очилади. Бу ҳисоб рақамга устав капиталини тўлаш учун таъсис ҳужжатларида кўрсатилган тартиб ва миқдорда муассислар томонидан ўтказилган маблағлар қўйилади. Банк муассислари ваколат берган вакилининг муваққат жамғарма ҳисоб рақамини очиш тўғрисидаги аризаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг банкни очиш учун берган дастлабки рухсати муваққат жамғарма ҳисоб рақамини очишга асос бўлади. Бу ҳисоб рақамдан белгиланган энг кам устав капитални жамғарилгунга ва банк фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия олингунга қадар фойдаланилади. Агар жамғарма ҳисоб рақами республика тижорат банкларидан бирида очилган бўлса, ундаги маблағлар депозитлар сифатида жалб этилиши мумкин.

Дастлабки рухсатнома олинганидан сўнг ташкилий-техник тадбирларни бажариш, банк операцияларини автоматлаштирилган тарзда амалга ошириш учун бинолар ва жиҳозлар, дастурий-техник воситаларни тайёрлаш, касса тармоғини тайёр ҳолга келтириш билан боғлиқ харажатлар муассислар ҳисобидан қопланади. Бунинг учун муассислар банкни ташкил этиш бўйича кўзда тутилаётган харажатларнинг тахминий ҳисоб-китобини бажарадилар ҳамда бир ёки бир неча муассис томонидан харажатларни амалга ошириш тўғрисида ўзаро шартнома тузадилар. Банкни ташкил этишга доир харажатларни амалга ошириш шартномаси ва кўзда тутилаётган харажатларнинг тахминий ҳисоб-китоби банк рўйхатга олингунга қадар маъқуллаш учун Лицензиялаш департаментига тақдим этилади.

Банк рўйхатга олингач ва лицензияга эга бўлгач акциядорлар умумий йиғилишида муассислар банкни ташкил этишга доир харажатларни амалга ошириш тўғрисидаги шартномага мувофиқ қилган харажатлари ҳақида ҳисобот берадилар. Уларнинг ҳаракати акциядорлар умумий йиғилиши томонидан маъқулланса банк шартномага мувофиқ улар томонидан сарфланган суммани қайтариб беради.

Жамғарма ҳисоб рақамидаги маблағлар суммаси устав капиталининг белгиланган энг кам миқдорига етганда ҳамда банкни рўйхатдан ўтказиш ва лицензия олиш учун лозим бўлган мазкур Низомда кўзда тутилган барча талаблар бажарилганда муассислар банкни рўйхатдан ўтказиш ва банк операцияларини амалга оширишга лицензия олиш учун ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тижорат банкларига лицензия бериш ва улар фаолиятини тартибга солиш департаментига тақдим этишлари мумкин.

Банк белгиланган тартибда Марказий банкда рўйхатга олинганидан кейин вакиллик ҳисоб рақамини очиш учун Марказий банк ҳудудий Бош бошқармасига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

вакиллик ҳисоб рақамини очиш учун ариза;

Марказий банкда рўйхатдан ўтказилган устав нусхаси;

имзолар ва муҳр изи намуналари қўйилган, нотариал тарзда тасдиқлаган карточка.

Вакиллик ҳисоб рақами очилганидан кейин Марказий банк ҳудудий Бош бошқармаси ёки жамғарма ҳисоб рақами очилган тижорат банки ваколатли вакил аризасига кўра муваққат жамғарма ҳисоб рақамидаги маблағларни ташкил этилган банкнинг вакиллик ҳисоб рақамига ўтказиши ҳамда уч кунлик муддатда муваққат жамғарма ҳисоб рақамни ёпади.

Тафтиш комиссияси акциядорлар учун банк фаолияти устидан назорат олиб боришнинг асосий воситаси бўлиб ҳисобланади. Банк Низомида Тафтиш комиссияси аъзоларининг аниқ сони ва вазифалари белгилаб қўйилиши лозим. Банк Тафтиш комиссияси банк Низомига мувофиқ акциядорлар умумий йиғилиш томонидан сайланади.

Тафтиш комиссияси:

Банк Низоми ва амалдаги қонунчиликда кўрсатилган ҳолатларда банк молиявий-хўжалик фаолиятини ҳисобот даврига текширувдан ўтказиши;

Текширув давомида Тафтиш комиссияси ички аудит ва мустақил аудиторлар томонидан амалга оширилган текширув натижалари бўйича материаллардан фойдаланади. Зарурий ҳолатларда Тафтиш комиссияси бухгалтерия ҳисобининг бошланғич ҳужжатларига мурожаат қилиши мумкин;

Тафтиш комиссиясининг асосий мажбуриятлари бўлиб, банкда тайёрланган молиявий ҳисоботларни текшириш, банкнинг умумий молиявий ҳолати бўйича ҳолисона ҳулоса тайёрлаш ва акциядорлар умумий йиғилишида ва унга қадар комиссия фаолияти бўйича ҳисобот тайёрлаш.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ Бошқарув аъзолари Тафтиш комиссия аъзолари таркибига киришлари мумкин эмас.

Банк Бошқаруви банкнинг жорий фаолияти устидан раҳбарликни амалга оширади. Банк Кенгаши ва акциядорлар умумий йиғилиши қарорларини бажариш Бошқарув раиси вазифасига киради.

Банк Кенгаши камида уч аъздан иборат бўлган Бошқарув аъзолари таркибини белгилайди.

Амалдаги тартибга мувофиқ, Бошқарув аъзолари таркибига Раис ва унинг ўринбосарлари ҳамда банк бош бухгалтери киради. Шунингдек Бошқарув таркибига банкнинг асосий бўлинмалари раҳбарлари кириши мумкин.

Бошқарув аъзолигига номзодлар жинсий, маъмурий жавобгарликка тортилган бўлсалар, ушбу тўғрисида банк Кенгашига маълумот беришлари лозим.

Банк Бошқаруви раиси ва унинг аъзоларини тайинлаш

Банк Бошқаруви раиси ўз лавозимига Марказий банк билан келишилган ҳолда банк Кенгаши қарори ва акциядорлар умумий йиғилишининг тасдиғи билан тайинланади. Бошқарув аъзолари банк Кенгаши томонидан тайинланади.

Банкнинг ҳар кунги фаолиятини бошқариш банк Бошқаруви томонидан амалга оширилиши лозим.

Бошқарув аъзолари ўз фаолиятлари давомида банк Кенгаши томонидан белгиланган амалдаги қонунчиликка (ҳамда Марказий банк меъёрий ҳужжатлари низомларига) зид бўлмаган ҳамда ахлоқий тамойилларни бузмаган банк сиёсатига амал қилишлари лозим. Бундан ташқари, Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига асосан банк Бошқарувида банкни бошқаришда қуйидаги сиёсатларни ишлаб чиқиш мажбурияти юкланган. Жумладан:

- банк кредит сиёсати;
- банк ликвидлигини бошқариш сиёсати;
- инвестиция сиёсати;
- эмиссия сиёсати.

Қўшимча равишда, банк Бошқаруви аъзолари банк акциядорлари ва Кенгашнинг ишончли вакиллари бўлиб, банк манфаатларини ва акциядорларнинг манфаатларини ўзларининг манфаатларидан юқори қўйишлари лозим.

Банк Кенгаши раиси унинг аъзолари сафидан кўпчилик овоз билан сайланади (агарда банк Низомида бошқа ҳолатлар кўзда тутилмаган бўлса).

Акциядорлар умумий йиғилишининг навбатдаги мажлисида Кенгаш аъзолари томонидан сайланган Кенгаш раиси номзодини тасдиқлаш масаласи кўриб чиқилади. Банк Кенгаши раиси Кенгаш фаолиятини ташкил қилади, Кенгаш йиғилишини чақиради, унда раислик қилади, йиғилиш баённомасининг юритилишини таъминлайди ҳамда акциядорлар умумий йиғилишида раислик қилади.

Банк Кенгаши раисининг унчалик эътиборли бўлмаган ролига қарамай, Кенгаш раиси банк фаолиятини юритишда ишончли шахслар олдида биринчи даражали масъулиятни ўз зиммасига олади. Ўз мажбуриятларини бажаришда Банк Кенгаши қуйидагиларни бажариши шарт:

- малакали банк бошқаруви аъзоларини ишга ёллаш ва уларни тасдиқлаш;
- бошқарув билан маслаҳатлашган ҳолда банкнинг узоқ ва қисқа муддатли бизнес-режасини белгилаш;

- банк мақсадларига эришиш ҳамда қонуний, хавфсиз ва самарали банк фаолиятини юритиш учун етарли сиёсатларни белгилаш;

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва банк сиёсатларига мувофиқ банк операциялари устидан амалга ошириладиган етарли назоратни амалга ошириш;

- банкнинг жорий фаолиятини кузатиш.

Марказий банк томонидан мазкур низом талабларини қандай бажарилаётгани даражаси банкларда ўтказилаётган инспекция давомида

CAMEL тизимининг менежмент компоненти ёрдамида банк Кенгаши фаолияти баҳоланиши мумкин.

Банк Кенгаши мустақиллигини таъминлаш ва белгилаш банкларда корпоратив бошқарувнинг асосий элементи ҳисобланади. Бундан ташқари, банкда самарали корпоратив бошқарув Кенгаш томонидан ишга ёлланган банк Бошқаруви билан Кенгашнинг ҳар бир аъзоси ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни талаб этади. Бироқ, банк фаолияти устидан назорат олиб боришда Кенгашнинг ҳар бир аъзоси томонидан банк Бошқаруви фаолиятини баҳолашда мустақил фикрлаш заруриятини туғдиради.

Банк Кенгаши томонидан ҳар бир муаммони танқидий баҳолаш жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Банк Бошқаруви қарорларини ҳар бир Кенгаш аъзосининг асоссиз ўз фикрига эга бўлмай туриб келишиши банк ва акциядорлар манфаатларига хизмат қилишда етарли эмас деб баҳоланиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг юқори даражаларда ривожланиб бориши банк Кенгаши аъзолари томонидан банк фаолияти тўғрисида керакли ахборотларга эга бўлишлари учун етарли вақт ажратишни тақозо этади. Кенгаш аъзолари банк Бошқаруви билан биргаликда Кенгаш аъзоларини ўз вақтида банк фаолияти тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлаш бўйича дастур ишлаб чиқишлари лозим.

Кенгашнинг ҳар бир аъзоси Кенгашнинг барча йиғилишларида иштирок этиши ва Бошқарув томонидан тақдим этилаётган барча материал ва ҳисоботларни диққат билан ўрганиб чиқишлари шарт.

Кўпчилик банкларда Кенгаш йиғилиши ҳар ойда ўтказилиши етарлидир.

Муаммоли банкларда эса Кенгаш йиғилиши кўпроқ ўтказилиб турилиши мақсадга мувофиқдир.

Йиғилиш бошланишига қадар банк Кенгаши ёзма равишда мажлис кун тартибини тайёрлаши лозим. Кун тартиби банк Кенгашига мажлиснинг ташкиллашган ва самарали ўтказилишига ёрдам беради.

Шунингдек кун тартиби банк Бошқарувига мажлисга тайёргарлик кўриш ҳамда банк Кенгашининг йиғилишига барча масалалар киритилганлиги ва Кенгашнинг ўтган йиғилишидаги масалалар мажлис баённомасига киритилганлигига амин бўлишига ёрдам беради.

Банк Кенгаши йиғилишида баённома юритилиб, мазкур баённома мажлис ўтган кундан бошлаб 10 кун муддат ичида имзоланиши шарт. Кенгаш раиси баённомани имзолашдан аввал баённома тўғрилигини текшириши лозим.

Банк Кенгаши аъзолари ҳар бир йиғилишга қатнашишлари уларнинг мажбуриятларига киради. Банк Кенгаши аъзолари томонидан белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида Кенгаш йиғилишида 75% Кенгаш аъзоси иштирок этиши лозим, акс ҳолда Кенгаш йиғилиши ноқонуний ҳисобланади.

Банк Кенгаши аъзолари банк фаолияти учун татбиқ этса бўладиган иқтисодиётда, қонунчиликда ва бўлаётган ўзгаришлардан хабардор бўлиб туришлари лозим.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ банк Кенгаши ҳар чорақда банк Бошқаруви раиси ва ички аудит хизмати раҳбарининг ҳисоботларини тинглаб бориши шарт.

Шунингдек банк Кенгаши томонидан банк Бошқаруви, банкнинг юридик бўлинмаси бошлиғи, ички ва ташқи аудиторлар ҳамда банкнинг бошқа маслаҳатчилари билан учрашувлар ташкил этиб турилиши фойдалидир. Шу билан бирга Кенгаш аъзолари учун ўқув семинарларини ташкил этиш назарда тутилиши мақсадга мувофиқдир.

Банк Кенгаши банкнинг кундалик фаолияти малакали бошқарув аъзолари томонидан амалга оширилаётганлигини таъминлашда жавобгар ҳисобланади. Агарда, банк Кенгаши бошқарув аъзолари бирининг иш фаолиятдан қониқмаса, у ҳолда мазкур масала ечими билан ўзи шуғулланиши лозим бўлади. Шунингдек янги бошқарув аъзосини ёллаш зарурати туғиладиган бўлса, банк Кенгаши имконият даражасида тезроқ малакали раҳбар топиши лозим. Бошқарув аъзосига номзод бўлган шахс қобилиятли, тажрибали, катга обрўга эга бўлиши зарурий сифатлардан ҳисобланади.

Бошқарув фаолияти исталган назоратни амалга ошириш Кенгаш мажбуриятларидан энг асосийси ҳисобланади. Назорат ҳар бир аниқ ҳолат миқёсига қараб ўзгаради. Банк Кенгаши бошқарув фаолияти устидан назоратнинг барча чораларини амалга ошириши лозим бўлиб, жумладан:

Кенгаш банк фаолиятининг барча асосий турлари бўйича ҳамма ходимларга тушунарли бўлган ёзма равишдаги сиёсатни ишлаб чиқиши лозим. Кенгаш банк сиёсатларини иктисодий шароитга банк ҳолатига ҳамда амалдаги қонун ва низомларга мувофиқлиги устидан назоратни амалга ошириши лозим. Банкларда маълум турдаги сиёсат бўлишлиги Марказий банкнинг низомлари ва бошқа қонунларга мувофиқ талаб қилинади. Бундай сиёсатлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

актив ва пасивларни бошқариш (маблағларни бошқариш (маблағларни бошқариш бўйича қўмита ташкил этишни ўз ичига олади);

кредит сиёсати (бу кредит ва кредитларни қўриб чиқиш ички жараёнини ўз ичига олади);

кадрлар сиёсати (фаолиятни баҳолаш жараёни ва мукофотлар беришни аниқлашни ўз ичига олади);

дивидендларни тўлаш сиёсати;

инвестиция сиёсати;

эмиссия сиёсати.

Шунингдек банк Кенгаши томонидан банк фаолиятига тегишли бўлган қуйидаги қўшимча сиёсатлар ишлаб чиқилиши лозим:

фойдани режалаштириш ва бюджет;

капитални режалаштириш;

бухгалтерия ҳисобининг ички назорат тизими;

амалдаги қоидаларга риоя этилиши бўйича назорат (банк дастурлари ва фаолиятини Марказий банк низомлари ва қоидаларига риоя этилиши);

ички аудит дастури;

ташқи аудит дастури;
манфаатларнинг тўқнашуви;
чет эл валютаси билан операциялар;
этика қоидалари;
маълумотларни электрон қайта ишлаш операциялари.

Ушбу сиёсатлар носоғлом ва хавфсиз бўлмаган амалиётга мувофиқ банкнинг бизнес режасида кўрсатилиши лозим. Сиёсат қонунчилик талаблари, шу жумладан, Марказий банк меъёрий ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлган асосий жараён ва ички назоратни ўз ичига олиши ҳамда банкни ташқи жиноятлар, ички қаллоблик ва суиистеъмолликлардан ҳимоя қилиши лозим.

Кенгаш банк бошқаруви томонидан Кенгашга банк фаолиятини назорат қилиш имкониятини берувчи асосий маълумотлар билан таъминлаш механизмини тасдиқлаши лозим. Кўпинча бундай механизм бошқарув томонидан Кенгашга бериладиган ҳисоботларни ўз ичига олади. Ҳисоботлар Кенгаш йиғилиши ўтказилишидан аввал берилиши лозим.

Банк Кенгаши амалдаги қонунчиликка мувофиқ маълум коэффицентларни доимий равишда кўриб чиқиши лозим. Қуйидагилар асосий назорат коэффиценти ҳисобланади: даромадларнинг активларга нисбати, фойданинг активларга нисбати, фойданинг устав капиталига нисбати, умумий фоиз маржаси, таснифланган ссудаларнинг умумий ссудалар ҳажмига нисбати, банк харажатларининг фоизларни тўлаш билан боғлиқ бўлмаган активларга нисбати, ҳисобдан чиқарилган кредитларнинг активларга нисбати ва бошқалар.

Ойлик ҳужжатлар қуйидаги ахборотларни ўз ичига олиши лозим:

Ойлик баланс ҳисоботи. Баланс ҳисоботини кўриб чиқиладиганда жорий ой билан ўтган ой кўрсаткичлари, шунингдек мос ойдаги аввалги йил кўрсаткичлари солиштирилади.

Фойда ва зарарлар ҳисоботи. Банк Кенгаши фойда ва зарарлар ҳисоботини жорий ойдаги ва мос ойдаги аввалги йил ҳолатини кўриб чиқади. Мазкур фойда ва зарарлар ҳисоботи бюджет билан таққосланиши лозим. Агарда фойда ва зарарлар ҳисоботи бюджет билан тўғри келмаган ҳолда банк Бошқаруви томонидан мазкур ҳолат тушунтириб берилиши лозим.

Капиталнинг етарлилиги. Кенгаш капиталнинг энг асосий коэффицентларини кўриб чиқиши лозим. Бундай коэффицентлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

капиталнинг коррективроқ қилинган умумий суммасини таваккалчилик даражасига тортилган активларга нисбати (капиталнинг етарлилик коэффиценти);

1-даражали капиталнинг таваккалчилик даражасига тортилган активларга нисбати;

1-даражали капиталнинг моддий активларга нисбати (левераж).

Ушбу коэффицентларнинг мазмуни ва капиталнинг энг кам даражаси Марказий банк низомларида ўз аксини топган. Банк ҳолати ва иқтисодий

шароитга қараб ушбу коэффициентларнинг мазмуни вақти-вақти билан ўзгариши мумкин.

Капитал харажатлари. Кенгаш томонидан дивиденд сифатида тўланаётган нақд пул коэффициенти кўриб чиқиши лозим. Мазкур коэффициент соф фойданинг қандай қисми дивиденд сифатида тўланганлигини билдиради. Агар банк Марказий банк томонидан ўрнатилган капиталнинг энг кам миқдори ва бошқа захиралар талаби даражасига жавоб бермайдиган бўлса, у ҳолда дивиденд тўланишига йўл қўймаслик ҳолатларига алоҳида эътибор берилиши лозим.

Ликвидлик. Кенгаш банк ликвидлигини синчковлик билан назорат қилиши лозим. Агар банк ўз мажбуриятларини ўз вақтида катта зарарсиз таъминласа, хусусан депозитларнинг тўсатдан банкдан олинишида ўз мажбуриятларини бажара олса, банк ликвидлик ҳисобланади. Банкда ликвидликни таъминлашни назорат қилиш учун ликвидлик активлар нисбати ва сўндириш муддати 30 кун бўлган активларнинг талаб қилиб олгунча бўлган мажбуриятларга нисбати ва сўндириш муддати 30 кун бўлган мажбуриятларга нисбати каби коэффициентлардан фойдаланилади, яъни жорий ликвидлик даражасидир. Марказий банк меъёрий ҳужжатларида мазкур коэффициент даражасининг энг минимал миқдори 0,3 қилиб белгиланган. Бундан ташқари банк Марказий банкнинг ликвидликка қўйиладиган талабларига мувофиқ мазкур коэффициентлар билан биргаликда ликвидлик қўшимча коэффициентларни ҳам кўриб бориши лозим.

Маблағларни бошқа банкларда жойлаштириш. Кенгаш барча депозит ҳисоб рақамларининг бошқа банкларда ва активларнинг бошқа молия институтларида жойлаштирилишини доимий равишда кўриб чиқиши лозим.

Ссуда ва инвестициялар. Кенгаш аввалги ойда берилган ссуда ва инвестициялар рўйхатини кўриб чиқиши лозим.

Кўриб чиқилган ва муддати узайтирилган ссуда ва инвестициялар. Кенгаш барча кўриб чиқилган ва муддати узайтирилган ссуда ва инвестицияларни кўриб чиқиши лозим. Жорий йилдаги ссуда ва инвестицияларнинг миқдори ва суммаси билан аввалги ойдаги миқдор ва суммаси тенденцияни аниқлаш учун солиштирилади.

Муаммоли ссудалар. Кенгаш барча салбий таснифланган активлар бўйича ишлаб чиқилган дастурларни кўриб чиқиши лозим. Қўшимча равишда банк Кенгаши муаммоли ссудалар бўйича асосий коэффициентларни кўриб чиқиши лозим бўлади. Жумладан:

ишламайдиган ссудаларнинг ссудалар ўртача қийматига нисбати. Ушбу коэффициент кредит портфелининг қанча қисми ишламаётганлигини кўрсатади (90 кундан ва ундан ортиқ ишламаётган кредитлар ёки улар бўйича фоизлар ҳисобланмаяпти).

Ишламайдиган ссудаларнинг 1-даражали капиталга нисбати. Ушбу коэффициент ишламаётган кредитлар натижасида 1-даражали капиталга хавф туғдиришини кўрсатади.

Ўстирмаслик мақоми. "Ўстирмаслик мақоми"ни бериш тартиби Марказий банк низомларида кўрсатиб берилган. Бунда банк Кенгаши

аззолари мавжуд барча муддати ўтган кредитлар бўйича ўстирмаслик мақоми берилган фоизлар ҳисобланмаётганлигини кўриб боришлари лозим. Қўшимча равишда банк Кенгаши ҳисобланган, лекин олинмаган фоизлар бўйича қайтариш бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилганлигига амин бўлишлари лозим.

Ссудалар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши захираларни тузиш. Кенгаш жорий ойдаги ссудалар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши захираларни аввалги захиралар билан солиштириши лозим. Бунга қўшимча ҳолда Кенгаш қуйидаги ссудалар бўйича йўқотишларнинг энг асосий коэффицентларини кўриб чиқиши лозим:

ссудалар бўйича йўқотишларга қарши захираларнинг умумий захирага нисбати. Ушбу коэффицент банкнинг портфелида эҳтимолий йўқотишлар бўйича қанча миқдорда захира тузилганлигини кўрсатади;

ишламайдиган ссудаларнинг ссудалар бўйича йўқотишларга қарши захираларга нисбати. Ушбу коэффицент ишламаётган кредитлар бўйича қанча захира ташкил этилганлигини кўрсатади;

ссудалар бўйича соф йўқотишларнинг ўртача ссудаларга нисбати. Ушбу коэффицент ҳисобот даврида қанча кредит ҳисобдан чиқарилганлигини кўрсатади.

Банк Кенгаши амалга оширилган таснифлаш асосида банкнинг жорий фойдаси даражасидан қатъи назар барча кредитлар ва активлар бўйича захиралар ташкил этилишини таъминлаши лозим.

Бошқа активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши захиралар. Кенгаш жорий ойдаги бошқа активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши захираларни аввалги ойлар билан солиштириши лозим (қимматли қоғозлар бўйича ва бошқалар). Шунингдек банк Кенгаши жорий захираларни ўтган йилги захиралар билан ҳам таққослаб кўриши лозим.

Кредитлар концентрацияси. Банк Кенгаши қарздорларга (бир гуруҳ алоқадор шахсларга) кредитлар беришда Марказий банк томонидан белгиланган меъёрларни бузилган ҳолда ушбу бўйича тегишли тадбирларни кўриши лозим. Қўшимча равишда Кенгаш коэффицентларнинг концентрациясини ҳам кўриб чиқиши лозим:

Бир қарздорга ёки ўзаро алоқадор шахсларга берилган таъминланган кредит ёки лизингнинг энг юқори даражасининг 1-даражали капиталга нисбати. Ушбу коэффицент бир қарздор ёки бир гуруҳ ўзаро алоқадор шахсларга берилган кредитларнинг энг юқори миқдорини белгилайди.

Бир қарздорга ёки ўзаро алоқадор шахсларга берилган таъминланмаган кредит ёки лизинг энг юқори даражасининг 1-даражали капиталга нисбати. Ушбу коэффицент бир қарздорга ёки ўзаро алоқадор шахсларга берилган таъминланмаган кредит ёки лизинг бўйича энг юқори максимал хатар даражасини белгилайди.

Ўзаро алоқадор шахсларга берилган ссудалар. Банк Кенгаши алоқадор шахсларга берилган кредитлар рўйхатини кўриб бориши лозим. Бу ҳолат берилган кредитларни амалдаги қонунчиликка мувофиқлигига ҳамда

белгиланган энг юқори даражасидан ошиб кетмаслигини назорат қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Сотилган ва йиғилган активлар бўйича зарарлар ҳамда уларни ундириш. Банк Кенгаши ҳисобот даврида сотилган ёки банкдан бошқа сабабли чиқиб кетган активлар рўйхатини доим назорат қилиб бориши лозим. Ушбу рўйхат банк активларининг бошланғич давридаги ва сотилган ёки бошқа сабабга кўра банкдан ташқарига чиқиб кетган вақтдаги қийматини, сотилгандан тушган суммаларни ўз ичига олиши лозим.

Молиялаш фаолиятини ва фоиз хатарларини бошқариш. Банк Кенгаши банкнинг фоиз ставкаси ўзгариши билан боғлиқ активлари (қисқа муддатли ва ўзгарувчан фоизли активлар) ҳамда мажбуриятларини (қисқа муддатли даромад келтирувчи депозитлар) таққослаб кўриб бориши лозим.

Банк фаолиятини ўтган давр фаолияти билан таққослаш. Банк Бошқаруви томонидан тақдим қилинган ҳисоботларни кўриб чиқиш даврида банк Кенгаши бошқа худди шунга ўхшаш банкларнинг фаолияти билан таққослаб кўришга алоҳида эътибор бериши лозим.

Банк фаолиятини амалдаги қонунчилик талабларига мослаштириш бўйича амалга ошириладиган тадбирлар. Банк Кенгаши томонидан Марказий банк ва ташқи аудиторлар томонидан аниқланган қонунбузарликлар ва бошқа камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Ушбу фаолиятни амалга ошириш учун Банк Кенгаши Марказий банк инспекторлари ва ташқи аудит ҳисоботларини ўрганиб чиқиши лозим. Шунингдек банк Кенгаши ҳар чоракда ички аудит хизмати раҳбарининг ҳисоботларини тинглаб бориши шарт. Кенгаш аъзолари Марказий банкдан олинган барча хат ва бошқа ёзишмаларни ўрганиб бориш ва керакли тадбирларни амалга ошириш лозим. Шу билан бирга банк Кенгаши банк фаолиятига хавф туғдирувчи ҳолатларни Марказий банк инспекторлари билан биргаликда муҳокама қилиши лозим.

Банк хавфсизлиги ва даромадлигига таъсир этувчи фавқулодда вазиятлар. Банк Бошқаруви банк обрўига, даромадлигига ва хавфсизлигига таъсир этувчи вазиятлар тўғрисида зудлик билан кечиктирмасдан банк Кенгашига хабар бериши лозим. Агарда шундай ҳолатлар юзага келган тақдирда ушбу масалани кўриб чиқиш учун зудлик билан банк Кенгаши йиғилиши чақирилиши лозим. Бундай ҳолатларга банк активларини кўп қисмини сотиш, банк филиалларини ёпиш ёки сотиш ҳамда суд органлари томонидан банк фаолиятини чеклаш бўйича қарорлар қабул қилиш бўйича ҳаракатларни киритиш мумкин.

Банк Кенгаши банк фаолияти устидан назорат ўрнатиш бўйича вазифаларни бажариш учун кўмиталар тузиши мумкин. Бундай кўмиталарга куйидагилар кириши мумкин:

Аудиторлик кўмитаси. Мазкур кўмита банк Кенгаши йиғилишига банк ташқи аудитори номзодларини киритиш, ташқи аудиторлар ва банк Кенгаши ўртасидаги ўзаро алоқаларни амалга ошириш, аудит текширувлари ҳисоботларини қабул қилиб олиш ва кўриб чиқиш, аудиторлардан олинган маълумотлар бўйича банк Кенгаши олдида ҳисобот бериш каби вазифаларни

базаради. Мазкур қўмиталар ташкил этилган банкларда ички аудит хизмати тўғридан-тўғри шу қўмига бўйсунди.

Кредит қўмитаси. Кредит қўмитасининг асосий вазифаси янги кредитларни бериш жараёнини ҳамда олдин берилган кредитлар бўйича шартларни ўзгартиришни кўриб чиқиш ва уни тасдиқлаш бўлиб ҳисобланади. Қўмига ўз йиғилишини зарур ҳолатларда ўтказди.

Инвестиция қўмитаси. Инвестиция қўмитасининг асосий вазифаси банк инвестиция сиёсатининг тўғри амалга оширилишини таъминлайди. Банк томонидан қилинган инвестиция кутилаётган даромадларни олиб келиши ва банк инвестиция портфелида қилинган инвестицияларни қайтариш муддатлари аниқ кўрсатилиши лозим. Масалан, банк томонидан узоқ муддатли мажбуриятларини бажариш мақсадида давлат қимматбаҳо қоғозлари мавжуд бўлса, қўмига томонидан банк фаолиятини барқарор ушлаб туриш мақсадида давлат қимматбаҳо қоғозлари портфели устидан назорат ўрнатиши лозим.

Актив ва пасивларни бошқариш қўмитаси. Ушбу қўмитанинг асосий вазифаси банк ликвидлигини таъминлаш учун банк баланс ҳисоботи, фойда ва зарарлар ҳисоботини доимо назорат қилиб туришдан иборат. Қўшимча равишда, банк мажбуриятларини сўндириш вақти билан унинг активлари сўндириш вақти ўртасида ноаниқликлар юзага келмаслиги учун банкнинг даромад келтирувчи активлари ва банк пасивларининг фоиз ставкаси ўртасида балансни ушлаб туришни назорат қилиб туриши лозим. Агарда банк Кенгаши мазкур қўмитани тузган бўлса қўмитанинг банк ресурсларини бошқариш бўйича фаолиятини алоҳида назорат қилиб бориши лозим.

Ҳар бир қўмига алоҳида мажлислар ўтказиб боради, лекин қилинган ишлар тўғрисида Банк Кенгаши йиғилишларида ҳисобот бериб бориши шарт. Агарда мазкур қўмиталар томонидан банк фаолиятига таъсир этувчи салбий ҳолатлар аниқланган ҳолда банк Кенгаши йиғилиши чақирилиши бўйича банк Кенгашига мурожаат қилиши лозим.

Банк Бошқаруви томонидан тақдим қилинаётган ҳисоботларнинг ҳаққонийлиги банкнинг оператив фаолиятидан ҳолис бўлган шахс томонидан тасдиқланиши лозим. Бундай ҳолатлар учун банк ички аудит хизматига эга бўлиши лозим. Банк Кенгаши ички аудит хизмати раҳбарини тайинлайди. Банк Кенгаши томонидан ички аудит хизмати дастурлари ва ички аудит хизмати билан боғлиқ бошқа ҳужжатлар ҳамда банк томонидан юритилаётган фаолиятни амалдаги қонунчиликка, Кенгаш юритаётган сиёсатга монандлигини кўриб чиқиш алоҳида аҳамиятга эга. Бу вазифани бевосита банк Кенгашига бўйсунувчи ички аудит хизмати амалга оширади.

Шу билан бирга, амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳар бир банкда ташқи аудит текширувлари ўтказилиши талаб этилади. Банк Кенгаши бошқарув билан биргаликда ташқи аудит текширувида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тадбирларни назорат қилиб бориши лозим.

Ўзининг назорат функцияларини бажаришда Банк Кенгаши ёки унинг аудиторлик қўмитаси аудиторларни жалб қилиш, уларни ишдан бўшатиш мажбуриятларига эга бўлиши ва бунинг учун ҳуқуқий маслаҳатчи жалб

қилиши лозим. Алоҳида ҳолатларда банк Кенгаши банк фаолиятини назорат қилишда банк ҳисобидан бухгалтерия, ҳуқуқ масалалари бўйича маслаҳатчиларни жалб қилиш масаласини кўриб чиқишлари мумкин.

Банк Кенгаши банк билан алоқадор шахслар билан имтиёзли шартларда операцияларни амалга оширишга йўл қўймаслик бўйича керакли чораларни кўриши лозим. Алоқадор шахслар билан ўтказиладиган операциялар амалдаги қонунчилик талаблари асосида бошқа оддий мижозларга кўрсатилаётган хизматлардан фарқ қилмаслиги лозим. Бунинг учун банк Кенгаши камида:

банкка алоқадор шахслар Кенгаши ёки Бошқаруви аъзолари билан ўтказиладиган операцияларни ҳуқуқий маслаҳатчи билан маслаҳатлашган ҳолда амалга ошириш;

банк Кенгашининг барча аъзоларига алоқадор шахс билан ўтказиладиган операцияларда мавжуд манфатларни тўғри келишини очиб бериш;

ўзининг банк Кенгаши ва Бошқаруви аъзолари билан ўтказиладиган операцияларда барча ҳаракатларни ҳужжатлаштириш асосида амалга ошириш;

банк билан алоқадор шахс билан операция ўтказиладиган даврда банкнинг барча манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича тадбирлар кўрилганлигига амин бўлиши;

Марказий банк томонидан банкка алоқадор шахслар билан амалга ошириладиган операциялар бўйича иқтисодий меъёрлар ўрнатилган бўлиб, банк Кенгаши мазкур меъёрларнинг бузилишига йўл қўймаслиги лозим.

Шунингдек банкка алоқадор шахслар Кенгаш ва Бошқарув аъзолари, банкнинг шўъба корхоналари ва ваколатхоналари билан операциялар ўтказиш даврида банкка зиён етказувчи ҳолатларнинг олдини олиш бўйича зарур чоралар кўриши шарт.

Марказий банк томонидан банкка алоқадор шахсларга берилган кредитлар бўйича операциялар тартибга солиб турилади. Шу боис, Банк Кенгаши банк томонидан Марказий банк белгиланган иқтисодий меъёрларга риоя қилиниши бўйича ҳар ойлик ҳисоботларни кўриб бориши лозим.

Жумладан, Марказий банк меъёрий ҳужжатларида қуйидаги иқтисодий меъёрлар ўрнатилган:

Банкка алоқадор бир шахсга берилган кредитнинг банк капиталининг 1-даражасига нисбати.

Банкнинг тақсимланмаган фойдаси дивидендларни тўлаш учун етарли бўлмаса банк томонидан дивидендлар тўланмаслиги лозим.

Шунингдек дивидендларни тўлаш даврида банкнинг амалдаги мавжуд банк томонидан ҳисобланган лекин тўланмаган фоизлари бўйича корректив қилинган фойдасидан келиб чиқиши лозим.

Шу билан бирга, банк томонидан дивидендларнинг тўланиши натижасида банк капитали етарсизлигига олиб келган тақдирда банк дивидендлар тўламаслиги лозим.

Кўпчилик банкларнинг Кенгашлари томонидан банк ва унинг акциядорлари манфаатлари учун фаолият кўрсатиладиган бўлса, айрим банк

Кенгашларини аъзолари томонидан юклатилган вазифаларни тўлиқ бажара олмаслик натижасида банкнинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин, хусусан, бундай ҳолатлар инспекция ҳисоботларида ўз аксини топади. Алоҳида ҳолатларда Марказий банк томонидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ бундай банкларнинг Кенгаши аъзоларига санкциялар қўллаши мумкин.

Банкларга алоқадор шахслар билан операцияларни имтиёзли ўтказиш натижасида банкка зарар етказилган ҳолатларда ушбу ҳолатга йўл қўйган Кенгаш аъзолари бевосита жавобгар ҳисобланади.

IV-Боб. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги

. Меҳнат хавфсизлиги тадбирларини яратиш ва уларнинг ижтимоий иқтисодий самарадорлиги

Ҳаёт фаолияти хавфсизлигида меҳнат муҳофазаси, қонунда кўрсатилганидек:

- меҳнат муҳофазаси иш жараёнида инсоннинг меҳнат қобилиятини, соғлиги ва хавфсизлигини таъминлаш учун йўналтирилган қонунлар мажмуаси, социал-иқтисодий, ташкилий, техник, гигиеник, профилактик тадбирларни ўз ичига қамраб олар экан, демак барча жабҳаларда фуқароларнинг меҳнат қилиш шароити талаб даражасида яратилиши лозим.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фанининг методологик асосининг яна бир томони, бу меҳнат шароитини, технологик жараённи, ажралиб чиқадиган захарли моддаларни ва фойдаланиш вақтида пайдо бўладиган хавфли вазиятларни мунтазам равишда илмий таҳлил қилиб боришдир. Чунки, фақат таҳлил асосида ишлаб чиқаришдаги хавфли жойлар, содир бўлиши мумкин бўлган хавфли вазиятлар аниқланади, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш чоралари ишлаб чиқилади. Бу масалаларнинг барчаси ўзаро боғланган, келажак режаларни ҳисобга олган ҳолда кўрилиб борилиши лозим.

Ишлаб чиқаришда, ташкилотларда ҳар бир раҳбар ва муҳандиснинг Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунига амал қилиш, ишлаб чиқариш хавфсизлиги масалаларини иш фаолиятида тўғри ҳал этиши, унинг шу соҳадаги билим ва малакасига боғлиқ. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги билан бир қаторда унинг таркибий қисми бўлган меҳнатни техника хавфсизлиги ҳамда ёнғиннинг олдини олиш масалалари ҳозирги вақтда энг долзарб масалалардан ҳисобланади.

Бу борада, ялпи сафарбарлик билан ташкилотларда меҳнат хавфсизлигига доир барча қарор ва ҳужжатларни таҳлил қилиш, келгусида меҳнат хавфсизлиги даражасини кўтариш, иш юритишда техника

хавфсизлиги машғулотларини ўтказиш, меҳнат муҳофазаси ишларини ташкил этиш, ўқув юртлари ўқитувчилари, талабалари, хизматчи ва ишчилари ўртасида шикастланишнинг олдини олиш ҳамда давлат стандарти масалалари талабларига риоя этиш мақсадида «Меҳнатни муҳофаз қилиш тўғрисида» Қонуннинг қабул қилинганлиги мақсадга мувофиқ бўлиб, бу соҳадаги барча чора-тадбирлар айнан қонун асосида талаб этилади.

Агар биз «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунни мазмун жиҳатидан кўриб чиқсак, унда унинг ўз таркибида жамоа шартномаси, меҳнат интизоми, аёллар ва болалар меҳнати, ижтимоий ҳимоя ҳамда бошқа масалаларни мужассамлаштирилганлигининг гувоҳи бўламиз.

«Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун асосида ишлаб чиқаришдаги инсон соғлиги учун зарарли бўлган омилларни бартараф қилиш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ва иш жойларининг санитария – гигиеник жиҳатдан қониқарли ҳолатда бўлиши учун барча зарур чора – тадбирларни кўриш масъулияти маъмурият зиммасига юклатилганлиги кўрсатиб ўтилган. Касбий зарарликлар мавжуд бўлган ҳудудларда меҳнат қиладиган ишчилар учун қисқартилган иш куни, қўшимча дам олиш кунлари жорий этилиши, зарарли иш жойларида ишлаганларга, яъни жуда иссиқ ҳароратли, совуқ, зах ва соғлиқ учун зарарли шароитда меҳнат қиладиганлар учун махсус устама ҳақ ҳамда ҳимоя кийимлари берилиши кўзда тутилади. Касбий касалликларнинг олдини олиш, ишчиларнинг соғлигини мустаҳкамлаш мақсадида уларни ўрнатилган тартиби жорий этилган.

Корхоналарда ишчи ва хизматчилар ишининг хавфсизлик даражаси, шунингдек, хизмат малакаси ишчининг стажи, лавозимидан қатъий назар ишга қабул қилинганда белгиланган муддатларда техника хавфсизлиги бўйича йўриқномалар билан таништирилиши шарт. Йўриқлантирув икки: кириш ва иш жойидаги турлардан ташкил топади.

Кириш йўриқлантируви техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги ва тиббиёт хизмат ходимлари томонидан ўтказилади. Унда янги ишга кираётган ишчини мазкур корхонанинг ички тартиб-қоидалари, шу жараённинг ўзига хос зарарли хусусиятлари, техника хавфсизлиги меъёрларини бажариш мажбурияти, шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш ва бахтсиз ҳодиса рўй берганда биринчи ёрдам кўрсатиш усуллари билан таништирилади.

Иш жойидаги йўриқлантирув цех бошлиғи ёки навбатчи бошлиқ иштирокида уста ёки сардор томонидан ўтказилади. Бунда ишчи бажарадиган вазифаси, иш жойи техника хавфсизлиги йўриғи билан танишади. Йўриқлантирувдан ўтган ишчи 10 кун ичида тажрибали ишчи назоратида иш ўрганади. Ишлаш билими комиссия томонидан қониқарли деб баҳоланган ишчи мустақил ишга қўйилади. Ўтказилган барча йўриқлантирув махсус журнал ва ишчининг шахсий варақасига ёзиб қўйилади.

Корхонадаги барча ишчилар учун олти ойда камида бир маротаба иш жойидаги йўриқлантирув қайтариб турилади. Технологик жараён ўзгарганда, корхонага янги машина ва агрегатлар ўрнатилганда, цехда захарланиш ва бахтсиз ҳодисалар туфайли шикастланувчилар кўпайса, унда режадан ташқари йўриқлантирув ўтказилади.

Ўта хавфли ишларда ишлайдиган ишчилар хавфсиз ишлаш усуллари бўйича махсус ўқитилади. Буларга босим остида ишлайдиган идиш ва аппаратлар, газда ишлайдиган машина ва аппаратлар, компрессорлар, электр ускуналарда ишлайдиган лифтлар, электр транспорти ҳайдовчилари, газ ҳамда электр пайвандчилар ва шунга ўхшаш касбларда ишлайдиган ишчилар киради. Бундай ишларга ишчиларни қўйишдан олдин уларнинг билими синаб кўрилади ва уларга «наряд рухсат» берилади. Унда ишни бошлаш ва тугатиш вақти, ишни бошлашдан олдин тайёргарлик кўриш тадбирлари ёзиб қўйилган бўлади.

Наряд рухсатлар бош муҳандис, бош механик, бош энергетиклар томонидан берилади. Улар хавфсизлик техникаси бўйича аттестациядан ўтган бўлиб, хавфли ишлар бўйича жавобгар ҳисобланадилар ва корхона директори томонидан тайинланади.

Саноат корхоналарига меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўқитиш ва тарғибот қилиш мақсадида техника хавфсизлиги хоналари ташкил этилади. Унда техника хавфсизлигига оид қўлланмалар, махсус адабиётлар, замонавий шахсий ҳимояланиш воситалари бўлиши зарур. Бундай хоналар умумий йўриқлантирув ўтказишда фойдаланилади.

Ишлаб чиқариш корхоналарида Меҳнат Кодекси ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги меъёрларни бузишда айбланган раҳбар шахслар маъмурий моддий ва жиноий жавобгарликка тортилади. Маъмурий жавобгарлик – ходимга хайфсан бериш, ишдан четлаштириш, ўртача ойлик иш ҳақининг йигирма фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш ва меҳнат шартномасини бекор қилишдан иборат. Моддий жавобгарлик эса «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунни бузган шахсларни назорат ташкилотлари томонидан белгиланган миқдорда жарима тўлашга ёки келтирилган моддий зарарни қоплашга мажбур қилишдан иборат. «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунни бузиш бахтсизлик ёки ўлимга сабаб бўлса, айбдор шахслар белгиланган тартибда жиноий жавобгарликка тортилади.

Ишлаб чиқаришда соғлом ва хавфсиз меҳнат қилиш шароитини яратишда, меҳнат қонуни, кодекси, Низомидан бошқа Меҳнат хавфсизлиги стандартлар тизими катта рол ўйнайди. Улардаги қўйилган вазифани бажаришда ва нормадаги шароитни таъминлашда меҳнат муҳофазасини бошқариш тизими – системаси (ММБТ) инобатга олинади. ММБТ фаолиятига меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги ишларни режалаштириш, амалга ошириш, баҳолаш, ишларни барқарорлаштириши киради. Шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ташвиқот олиб бориш, хавфсизлик талабига биноан ўқитиш, ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш, ускуналар, жараёнлар, бино ва қурилмалар хавфсизлигини таъминлаш, санитария –гигиеник меҳнат шароитини яхшилаш, ишчиларни шахсий муҳофаза воситалари ва меҳнатни нормадаги режими, дам олиш билан таъминлаш, санитария-маиший хизмат, мутахассисларни касби бўйича танлаш каби вазифалар тизимнинг таркиби ҳисобланади.

Тизимни бошқариш услуги асосини меҳнат қонунчилиги ҳужжатлари, давлат ва касаба уюшмаси қарори, йўлланма ва фармонлари, техникавий норма – ҳужжатлар ташкил этади. Саноат корхоналарида меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизими учун 1980 йил 10 июлда тасдиқланган 480-сонли буйруқ ва тармоқ касаба уюшмаси марказий кўмитаси билан келишилган, 1984 йил 14 ноябрдан кучга кирган Низом эътиборга олинади.

Ишлаб чиқариш корхоналарида хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитини таъминлашда хавфсизлик техникаси, санитария-гигиена ва ёнғин хавфсизлигига боғлиқ қоида, норма, йўриқномалар катта аҳамиятга эга. Улар умумий, тармоқ ва оралиқ турларига бўлинади.

Умумий норма қоидаларига «Қурилиш норма ва қоидалари» (СНиП), «Саноат корхоналарини лойиҳалаш санитар нормалари» СН–245-71, «Нурланиш хавфсизлиги қоидалари» (НРБ-78), «Электротехник мосламалар тузилиши қоидалари» (ПУЭ), «Портлашдан ҳимояланган электр ускуналарни танлаш қоидалари» (ПИБРЭ), босим остида қўлланадиган идишларнинг тузилиши ва хавфсизлиги қоидалари ва бошқалар мисол бўлади.

Вазирлик, илмий текшириш, лойиҳалаш институтлари ўзаро ҳамкорликда тармоқ қоида ва нормаларини ишлаб чиқиб, тасдиқлаб, уларни бир ёки бир неча тармоқ корхоналарида қўллаш учун тавсия этадилар. Оралиқ қоида ва нормалари корхоналарда заруриятга қараб бажариладиган иш ва жараёнлар учун хавфсизликни таъминлаш мақсадида тавсия этилади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини ташвиқот қилиш, амалга ошириш, режалаштириш учун ҳужжатлар тайёрлашда 1974 йил 1 июлдан амалда бўлган меҳнат хавфсизлиги стандартлар системаси (МХСС) дан фойдаланилади.

МХСС беш турга бўлинган, масалан:

1) Ташкилий – усулбий стандартлар – ГОСТ 0.001-82, ГОСТ 12.0.002-74, ГОСТ 12.0003 -74, ГОСТ 12.004-79.

2) Ишлаб чиқаришдаги зарарли, хавфли бирликларга талаб ва нормалари стандартлари – ГОСТ 12.0.003-74

3) Ишлаб чиқариш ускуналарига хавфсизлик талаблари стандартлари – ГОСТ 12.2.003-74

4) Ишлаб чиқариш жараёнлари хавфсизлиги талаблари стандартлари – ГОСТ 12.3.003 -74.

5) Ишчиларнинг ҳимоя воситаларига бўлган талабалари 1973 йилдан эътиборан 300 дан зиёд стандартлар тасдиқланиб, ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Ҳозирги замон фан-техника тараққиёти, ишлаб чиқаришга янгидан-янги технология ва машина-ускуналарнинг жорий этилиши ишлаб чиқаришда ишлаётган ҳар бир ходимдан юқори малакани эгаллашни, техника қонунларини яхши тушунишни ва унга амал қилишни талаб қилмоқда. Ҳозирги вақтда ишчилар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида кўплаб қоида, норма, инструкциялар ишлаб чиқилган бўлишига қарамай, саноат корхоналарида бахтсиз ҳодисаларнинг бутунлай йўқолиб кетишини таъминлайдиган ва тартибга соладиган шароит мавжуд эмас.

Корхоналарнинг хилма-хиллигини ҳисобга олиб ўзи учун мос келадиган меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган инструкциялар тизими ГОСТ 12.0.004-79 (МХСС) ташкил қилинган.

Бу тизимлар ишчиларнинг хавфсизлигини таъминловчи иш ускуналарини ўргатиш билан ишчининг меҳнат хавфсизлигини сақлаш чора-тадбирларини ҳам ўз ичига олади.

Меҳнат хавфсизлиги тадбирларини яратиш ва уларнинг ижтимоий иқтисодий самарадорлиги муҳим ҳисобланади.

Касаба уюшмаси низомига асосан корхона касаба уюшма кўмитаси воситачилигида ҳар йили маъмурият билан ишчи – хизматчилар ўртасида ўзаро меҳнат муносабатлари тўғрисида жамоа битими тузилади. Бу битимда ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат қилиши, маданий ва маиший дам олиш тадбирлари ҳақида келишиб олинади.

Тузиладиган битимда меҳнатни муҳофаза қилиш чора – тадбирлари, меҳнат шароитини яхшилаш масалалари ҳам эътиборга олинади ва бу масалалар маълум тартибга келтирилиб, меҳнатни муҳофаза қилишнинг номенклатура чора – тадбирлари сифатида битимга кўшиб қўйилади.

Номенклатура чора – тадбирлари режасини касаба уюшма кўмиталари билан келишилган ҳолда корхона маъмурияти тузади. Унда ушбу корхонада ҳозирги меҳнат шароити, касб касалликлари ва саноат корхонасида инсон организмига таъсир қилувчи зарарли омилларнинг мавжудлиги асос қилиб олинади. Бу режа касаба уюшмаси билан келишилгандан кейин ишчиларнинг умумий мажлисида муҳокама қилинади.

Номенклатура чора – тадбирларига асосан бажарилиши зарур бўлган, иш шароитини яхшилашга олиб келадиган чора – тадбирлар киритилиб, уларни шартли равишда қўйидаги уч гуруҳга бўлиб, қараб чиқиш мумкин.

1. Бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга қаратилган чора – тадбирлар. Бунга қўшимча ҳимояловчи ва муҳофаза қилувчи тўсиқ туркумларини ўрнатиш, тасдиқлаш, муҳофаза қилишнинг автоматик туркумларини қўллаш, олисдан туриб бошқариладиган асбоблар жорий қилиш, огоҳлантириш тизимлари, жараёни механизациялаш усуллари ва бошқалар кирди.

2. Саноат корхоналарида касб касалликларини камайтирадиган чора – тадбирлар. Бунга ишчиларга ҳар хил зарарли таъсир кўрсатувчи моддалардан муҳофаза қилувчи қурилмалар ва мосламалар тайёрлаш ёки сотиб олиш, ҳаво алмаштиргич ва кондиционер тизимларини ўрнатиш, эски турларини қайта жиҳозлаш, умумий ҳаво алмаштириш усуллари ўрнига моддалар ажратадиган жойни тўсиқлаш, аспирация усули, мукамаллаштирилган машиналардан фойдаланиш, ҳаво ҳолатини, таркибини кузатадиган асбоблар ўрнатиш ва бошқалар мисол бўлади.

3. Иш шароитини умумий яхшилашга қаратилган чора – тадбирлар. Бунга рационал ёритиш, санитария – маиший хизмат кўрсатиш хоналари ҳолатини яхшилаш, махсус кийим – бош ва оёқ кийимлари билан вақтида сифатли таъминлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш хоналари, бурчаклари ва кўرғазмаларини ташкил қилиш ва бошқалар кирди.

Корхоналарда технологик жараёнлар тақозо қилган чора – тадбирлар меҳнат шароитини яхшилашга боғлиқ бўлишидан қатъи назар номенклатура чора – тадбирларига киритилмайди. Номенклатура чора – тадбирлари иш битимига киритилганлиги ва ишчиларнинг умумий мажлисида тасдиқланганлиги сабабли, бу чора-тадбирларни корхона маъмурияти томонидан бажарилиши шарт бўлиб қолади ва унинг бажарилиши ҳақида маъмурият ишчиларга ахборот бериб туриши керак.

Унга сарфланган маблағ саноат корхонасининг асосий фондидан олинади, яъни бу ҳаражатлар умумцеҳ ва умумкорхона ҳаражатлари ҳисобига киради. Меҳнатни муҳофаза қилиш номенклатура сарфлаш мутлақо таъқиқланади.

Юқорида санаб ўтилган меҳнатни муҳофаза қилишнинг номенклатура чора-тадбирлари саноат корхоналарида ўтказилиши лозим бўлган ва корхоналарнинг бош лойиҳа режасига киритилган, республика миқёсида ҳисобга олинган, амалга оширилиши маълум вақтга режалаштирилган тадбирларнинг бир қисми ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, корхона жойлашган туман, вилоят миқёсида ҳисобга олинади ва унга маълум миқдорда маблағ ажратилишини талаб қилади.

Хулоса ва таклифлар

Таъкидлаш лозимки, иқтисодиётимизнинг барча соҳаларидаги каби, банк тизимидаги ислохотларнинг ҳам давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишининг бешта асосий тамойилига асосланганлиги эришаётган беқиёс ютуқларимизнинг бош омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда тижорат банклари республикамизнинг барча минтақаларида ўз муассасаларига эга бўлиб, мамлакатимиз аҳолиси ва хўжалик субъектларининг банк хизматларидан фойдаланиш имкониятлари кўрсаткичлари энг ривожланган мамлакатлар даражасига етди.

Ҳозирда Ўзбекистон 31та тижорат банки фаолият кўрсатиб келаётган бўлиб, шундан 3-таси давлат тижорат, 13-таси акциядорлик-тижорат, 10-таси хусусий ва 5-таси чел эл капитали иштирокидаги банклардир. Ушбу банкларнинг республика минтақаларида 9 мингдан зиёд таркибий бўлинмалар (филиаллари, мини-банклари ва бошқа турдаги чакана хизмат шахобчалари) самарали фаолият кўрсатаётганлигини таккослаш малакавий битирув ишининг асосий вазифаси булиб хисобланади.

Тижорат банкларининг вужудга келиши узоқ асрларга бориб тақалади. Лингвистика ва этимология фанларининг хулосаларига кўра банк сўзи эски француз сўзидаги *banque* ва италянча *banco* сўзларидан олинган бўлиб, ушбу сўзлар уларнинг сўз бойлигига бир неча юз йил олдин кириб келган ҳамда *“айирбошлаш столи”* маъносини англатади

Айнан 1991 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Банк-лар ва банк фаолияти тўғрисида»ги илк қонуни қабул қилиши билан мамлакатимиз миллий банк тизими ривожланишининг биринчи босқичи бошланди. Натижада мамлакатимизда икки поғо-нали банк тизимини юзага келтиришнинг дастлабки ҳуқуқий асослари яратилди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунларига, [Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 мартдаги ПФ-3047-сонли “Пул массаси ўсишини чеклаш ва молия интизомига риоя этиш масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги](#)

Фармони, (2002 йилдаги 5-6-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўпламининг 38-моддаси) ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади..

Банклар Фуқаролик Кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ одатда очик ёки ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятлари шаклида ташкил этилади.

Муассислар акциядорлик жамияти шаклидаги банкни яратиш сари дастлабки қадам сифатида таъсис шартномасини имзолайдилар, сўнгра таъсис йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрадилар.

Мазкур ҳаракатлар муассислар томонидан “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида”ги қонунлар ҳамда акциядорлик жамиятлари фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонунларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

Молия тизимига хусусан капитални янада кўпроқ жалб қилиш, аҳоли ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ишончини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий банклар ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”-ги, “Кредит бюрolari фаолияти ва кредит ахбороти алмашуви тўғрисида”-ги, “Гаров реестри тўғрисида”– ги қонунлари лойиҳалари тайёрланмоқда.

Голоссарий

“Марказий банк” — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки.

“Банк” — юридик шахс бўлиб, қуйидаги фаолият турларини амалга ошириш учун Марказий банк лицензиясига эга бўлган тижорат ташкилотидир:

юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш ҳамда қабул қилинган маблағлардан ўз хатари ва таваккалчилиги асосида кредитлаш ёки инвестициялашда фойдаланиш;

тўловларни амалга ошириш.

“Норезидент банк” — хорижий давлатлар ҳудудида рўйхатга олинган банк.

“Чет эл капитали иштирокидаги банк” — чет эллик инвесторларнинг иштироки устав капитали умумий суммасининг камида 30 фоизини ташкил этадиган банк. **Бунда, хорижий инвесторларнинг бири юридик шахс бўлиши керак.** Бундай банкнинг устав капиталини шакллантиришда резидентлар ва норезидентлар, жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек, норезидент банклар иштирок этиши мумкин.

“Хусусий банк” — устав капиталида муассис-жисмоний шахсларнинг улуши камида 50 фоизни ташкил этадиган банк, устав капиталининг қолган қисми нодавлат юридик шахсларга тегишли бўлиши мумкин.

“Шўъба банки” — устав капитали тўлалигича норезидент банк томонидан тўланадиган банк.

“Банк акциядори” — банк акцияларига эга бўлган юридик ёки жисмоний шахс)

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 1992 йил
2. Ўзбекистон Республикасининг «Марказий банк тўғрисида» ги Қонуни, 1995 йил 21 декабр
3. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ги Қонуни, 1996 йил 25 апрел.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмол кредити тўғрисида» Қонуни, 2006 йил 6 май.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Ипотека тўғрисида» ги Қонуни, 2006 йил 4 октябр
5. Ўзбекистон Республикасининг «Микромолиялаш тўғрисида» ги Қонуни, 2006 йил 15 сентябр.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида» ги Қонуни, 2002 йил 5 апрел
7. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси.
8. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”. 2008 йил 18 ноябрь, ПФ-4053-сон.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. “Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. 2008 йил 28 ноябрь, ПФ-4057-сон.
11. И. А. Каримов - “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир”. 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.
12. И. А. Каримов – “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир”. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.

13. И. А. Каримов - “Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик таракқиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир”. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.

14. И. А. Каримов – “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

15. Муллажонов Ф. “Ўзбекистон Республикаси банк тизими”, Т.: 2001 йил

16. Г.И. Кравцовой таҳрири ост. Организация деятельности коммерческих банков. Учебник. М. БГЭУ, 2001

17. О.Иминов ва бошқ. Банк ишончли хамкор. Т. Академия, 2005 й.

18. С.В.Галицкая. Деньги кредит и банки. М. эКСМО 2006 г.

19. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий ҳужжатлари: www.сбу.уз.

20. «Банк ахборотномаси 2011 йил сонлари

21. «Бозор, пул ва кредит» 2010 йил сонлари

Интернет сайтлар:

1. www.сбу.уз.

2. www.нбу.ком.

www.пакхтабанк.уз